КОММУНИЗМ ҚУРИЛИШИНИНГ УЛУҒВОР ИСТИҚБОЛИ

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

18-йил чиқиши.

№ 231 (4437).

25 НОЯБРЬ

ПАЙШАНБА

1971 йил

Баҳоси 3 тийин.

Кеча Москвада саккизинчи чақириқ СССР Олий Советининг учинчи сессияси очилди

БУТУН ПАРТИЯ, БУТУН СОВЕТ ХАЛҚИНИНГ ИШИ

Улуғ Ватанимиз партия кўрсатиб берган йўлдан оғишмай бориб, коммунистик қурилишда янгидан-янги муваффақиятларга эришмоқда. Совет кишилари Коммунистик партия, унинг ленинчи Марказий Комитетининг доно сиёсатини сўзда ҳам, амалда ҳам маъқулламоқдалар ва қўллаб-қувватламоқдалар. Партиякинг толмас фаолияти, партия ишлаб чиққан планлар мамлакатимиз меҳнаткашларини меҳнатда улуғвор зафарларга илҳомлантирмоқда. Меҳнаткашлар партия белгилаб берган режаларни амалга ошириш учун ўзларининг ҳамма куч-қувватларини, билимларини, ўзларининг бутун тажрибаларини сарфламоқдалар. Ленин васиятларига садоқат, совет халқининг Коммунистик партия, унинг Марказий Комитети теварагида монолит жипслиги мамлакатимиз янги ғалабаларининг ишончли гаровидир.

КПСС XXIV съездининг тарихий қарорлари совет кишиларининг меҳнат ғайратини ва сиёсий активлигини яна ошириб юборди. Ҳамма ерда янги беш йиллик биринчи йили тўпшириқларини барвақт бажариш учун умумхалқ социалистик мусобақаси важ олиб, кенгайиб бормоқда, СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилларга мўлжалланган беш йиллик плани юзасидан съезд тасдиқлаган Директиваларни совет халқи ғоят зўр мамнуният билан кутиб олди. Бу Директиваларда совет халқи ҳаёти, кураши ва меҳнатининг программаси бўлиб қолди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев Марказий Комитетнинг партия съездига берган ҳисобот докладида бундай деган эди: «Тўққизинчи беш йиллик совет жамиятининг коммунизм йўлидан боришини давом эттиришда, коммунизмнинг моддий-техника базасини қуришда, мамлакатнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлашда муҳим босқич бўлиб қолиши лозим. **Беш йилликнинг асосий вазифаси — социалистик ишлаб чиқаришни юқори суръатлар билан ривожлантириш, унинг самарадорлигини ошириш, фан-техникани тараққий эттириш ва меҳнат унумдорлигини оширишни тезлаштириш асосида халқ турмушининг моддий ва маданий даражасини анча юксалтиришни таъминлашдан иборатдир».**

Тўққизинчи беш йиллик планни муваффақиятли бажариш — бутун партия, бутун совет халқининг ишидир. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида бу яна бир карра таъкидлаб ўтилди. Мажлис съезд Директивалари асосида ишлаб чиқилган СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилларга мўлжаллаб беш йиллик йилларига бўлинган беш йиллик план лойиҳасини кўриб чиққан эди. Лойиҳанинг амалга оширилиши социалистик Ватанимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини, унинг халқаро позицияларини янада мустаҳкамланишини, қардош социализм мамлакатлари билан дўстлик ва ҳамкорлик ривожланишини, СССРда коммунизмнинг моддий-техника базаси қурилиши жадаллашишини таъминлайди.

КПСС Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган Пленуми тўқизинчи беш йиллик халқ хўжалик планининг лойиҳасини, шунингдек 1972 йилги давлат плани билан давлат бюджетининг лойиҳасини асосан маъқуллади ва бу лойиҳаларни СССР Олий Совети Сессиясининг муҳокамасига қўйишга қарор қилди.

24 ноябрда Кремлда Ватанимиздаги барча халқларнинг вакиллари — СССР Олий Советининг депутатлари йиғилди. Депутатлар КПСС Марказий Комитетининг раҳбарлигида ишлаб чиқилган мамлакатимизда коммунистик қурилишининг улуғвор программасини муҳокамадан ўтказиб, уни қабул қилмоқлари керак.

САККИЗИНЧИ ЧАҚИРИҚ СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ УЧИНЧИ СЕССИЯСИ

Эрталаб соат 10 да СССР Олий Совети Иттифоқ Совети ва Миллатлар Совети палаталарининг алоҳида-алоҳида мажлислари бошланди. Иттифоқ Советининг мажлиси Катта Кремль саройидаги СССР Олий Советининг мажлислар залида Иттифоқ Советининг Раиси депутат **А. П. Шитиков** раислигида ўтди. Миллатлар Советининг мажлиси СССР Олий Советининг Кремлдаги палаталар мажлислар залида Миллатлар Советининг Раиси **Е. С. Насриддинова** раислигида ўтди.

Сессия, қатнашчилари палаталарнинг мажлисларида бундан аввалги сессиядан бери ўтган вақт мобайнида вафот этган депутатлар М. Г. Гайрбеков, Н. Л. Коновалов, С. О. Притицкий, И. П. Скупков, М. К. Янгель, А. Г. Денковцев, С. А. Закариадзе, И. З. Мингазеев, Л. С. Соболев ва М. И. Чичельниковнинг хотираларини ўринларидан туриб эсладилар.

Палаталарнинг алоҳида-алоҳида ўтказилган мажлисларида СССР Олий Советига янгидан сайланган депутатларнинг ваколатларини текшириш тўғрисида Иттифоқ Совети билан Миллатлар Совети мандат комиссияларининг қилган докладлари тинглади.

Сессиянинг қуйидаги кун тартиби тасдиқланди:

1. СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилги давлат беш йиллик плани тўғрисида.

2. СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1972 йилги давлат плани тўғрисида.

3. СССРнинг 1972 йилги давлат бюджети ҳамда СССРнинг 1970 йилги давлат бюджетининг ижроси тўғрисида.

4. СССР Олий Совети Президиумининг Фермонларини тасдиқлаш тўғрисида.

Сессиянинг иш тартиби ҳам тасдиқланди.

Соат 11 да СССР Олий Советининг Катта Кремль саройидаги мажлислар залида саккизинчи чақириқ СССР Олий Совети учинчи сессияси Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг биринчи қўшма мажлиси бошланди.

Депутатлар ва меҳмонлар Л. И. Брежнев, Г. И. Воронов, В. В. Гришин, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, Ф. Д. Кулаков, Д. А. Кунаев, К. Т. Мазуров, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, М. А. Суслов, А. Н. Шелепин, П. Е. Шелест, В. В. Щербицкий, Ю. В. Андропов, П. Н. Демичев, П. М. Машеров, В. П. Мжаванадзе, Ш. Р. Рашидов, М. С. Соломенцев, Д. Ф. Устинов, И. В. Капитонов, К. Ф. Катушев, Б. Н. Пономарев ўртоқларни ўринларидан туриб узоқ давом этган гулдурос қарсаклар билан кутиб олдилар.

Иккала палатанинг қўшма мажлисини СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг Раиси депутат **А. П. Шитиков** очди. У сессияда Югославия Социалистик Федератив Республикаси Иттифоқ скупштинасининг иттифоқ скупштина раисининг ўринбосари Мариян Брецель бошчилигидаги делегацияси сессияда ҳозир эканлигини маълум қилди. Йиғилиш аҳли югославиялик меҳмонларни самимий табриклади.

КПСС Марказий Комитетининг секретари депутат **И. В. Капитонов**га сўз берилади. У Оқсоқоллар кенгашининг топшириғига биноан Белоруссия ССР Олий Совети Президиумининг Раиси депутат **Ф. А. Сурганов**ни Белоруссия ССРдан СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари қилиб, Эстония ССР Олий Совети Президиумининг Раиси депутат **А. П. Вадерни** Эстония ССРдан СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари қилиб сайлашни, депутат **В. С. Толстиковни** СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси вазифасидан озод этишни, КПСС Ленинград область комитетининг биринчи секретари депутат **Г. В. Романовни** ҳамда Доғистон АССР Ёзувчилари союзи правлениесининг раиси **Р. Г. Гамзатовни** СССР Олий Совети Президиумининг аъзолари қилиб сайлашни таклиф этади. Депутатлар бу таклифларни бир овоздан қабул қилдилар.

Шундан кейин депутатлар кун тартибининг биринчи ва иккинчи масалаларини — СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971 — 1975 йилги давлат беш йиллик плани тўғрисидаги ҳамда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1972 йилги давлат плани тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқишга ўтдилар. СССР Министрлар Советининг Раиси депутат **А. Н. Косигин** доклад қилди. Сессия аҳли уни самимий кутиб олди.

А. Н. Косигин доклади зўр эътибор билан тингланди ва қарсаклар билан бир неча бор бўлиниб турди.

Кун тартибининг учинчи масаласи — СССРнинг 1972 йилги давлат бюджети ва СССРнинг 1970 йилги давлат бюджетининг ижроси тўғрисида СССР молия министри депутат **В. Ф. Гарбузов** доклад қилди.

* * *

Кечқурун СССР Олий Совети Миллатлар Советининг иккинчи мажлиси бўлди. План-Бюджет ва тармоқ комиссияларининг қўшимча докладидан сўнг депутатлар беш йиллик план лойиҳаларини, 1972 йилги план ва бюджетни муҳокама қила бошладилар.

25 ноябрда сессия ўз ишини давом эттиради. (ТАСС).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ДЕПУТАТ Ф. А. СУРГАНОВНИ СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ҚИЛИБ САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети **қарор қилади:**

Белоруссия ССР Олий Совети Президиумининг Раиси депутат Федор Анисимович **Сурганов** СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари қилиб сайлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва. Кремль.
1971 йил 24 ноябрь.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ДЕПУТАТ А. П. ВАДЕРНИ СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ҚИЛИБ САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Олий Совети **қарор қилади:**

Эстония ССР Олий Совети Президиумининг раиси депутат Артур Павлович **Вадер** СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари қилиб сайлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1971 йил, 24 ноябрь

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ДЕПУТАТ В. С. ТОЛСТИКОВНИ СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ АЪЗОСИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Олий Совети **қарор қилади:**

Депутат Василий Сергеевич **Толстиков** СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси вазифасидан озод қилинсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1971 йил, 24 ноябрь

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ДЕПУТАТ Г. В. РОМАНОВНИ СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ АЪЗОСИ ҚИЛИБ САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети **қарор қилади:**

Депутат Григорий Васильевич **Романов** СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси қилиб сайлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1971 йил, 24 ноябрь

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ДЕПУТАТ Р. Г. ГАМЗАТОВНИ СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ АЪЗОСИ ҚИЛИБ САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети **қарор қилади:**

Депутат Расул Гамзатович **Гамзатов** СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси қилиб сайлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1971 йил, 24 ноябрь

ТЕХНИКАНИ УНУМЛИ ИШЛАТАЙЛИК

ҲАР БИР ХЎЖАЛИКДА МЕХАНИЗАТОРЛИК МАҲОРАТИ МАКТАБИ БЎЛСИН

РЕСПУБЛИКАНИНГ МАШҲУР МЕХАНИЗАТОРИ ШОИМАРДОН ҚУДРАТОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ БАРЧА ҚИШЛОҚ МЕҲНАТКАШЛАРИГА МАКТУБИ

Қадрли дўстлар!

Қудратли оби-ҳаёт чашмаси она заминга малҳам бўлиб, унга буюк куч бағишлагани каби КПСС XXIV съезднинг тарихий қарорлари ҳам совет кишиларининг ғайрат-шижоатини ошириб юбормоқда. Съезд ҳар биримизни фидокорона меҳнат қилишга, резерврларни қидириб топишга даъват этди. Республикамиз меҳнаткашлари партия белгилаб берган режаларни амалга ошириш учун курашда бутун улуғ совет халқи билан бирга бораётганликлари билан ҳақли равишда фахрлана оладилар. Саноатимиз ходимлари, олимларимиз, маданият арбобларининг ютуқлари бизни қувонтиради. Пахтакорларимиз меҳнат шуҳрати китобига янги шонли саҳифа ёздилар. Мисли кўрилмаган сув танқислиги шароитида улар жуда кўп қийинчиликларни енгиб, мўл «оқ олтин» ҳосили етиштирдилар ва уни жуда қисқа муддатларда йиғиб-териб олдилар. 4 миллион 500 минг тонналик «оқ олтин» хирмони уюлганлиги, партия XXIV съезди шарафига олинган социалистик мажбурият шараф билан бажарилганлиги ҳақидаги хушхабар ҳаммамизнинг қалбимизда меҳнат жасорати гимнидек янграмоқда.

Йил якунлари ҳаммамизни қувонтирмоқда. Айни пайтда бу якунлар бизни янги, янада юксакроқ марраларни эгаллашга даъват этади. XXIV съезд Ўзбекистон деҳқонлари олдига 1975 йилга бориб пахта етиштиришни 4,9 миллион тоннага етказиш вазифасини қўйди. Бу топшириқни бажаришгина эмас, балки мамлакатга пландан ташқари мумкин қадар кўпроқ пахта етказиб бериш бизнинг бурчимиз, шон-шараф ишимиздир.

Бу бизнинг умумий ишимиз, Ўзбекистоннинг саҳий қуёши остида яшаб меҳнат қилаётган ҳар бир кишининг бурчидир. Шу боисдан ҳам мен сиз, қимматли дўстларим билан ҳозирги замон қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг туб проблемасини — комплекс механизациялаш проблемасини қандай қилиб муваффақиятли ҳал этиш ҳақида ўз фикрларим билан ўртоқлашмоқчиман.

Бугунги кунда машина — дала баходиридир. Кузда ҳайдов тракторлари далага чиқиб шудгор қилади, баҳорда экиш агрегатларини бошқаради ёзда экинни парвариш қилади. Йиғим-терим палласи бошланиши биланоқ пахта далаларида «зангори кемаялар жавлон уради. 1 миллион 820 минг тонна. Бу рақамни ҳаммамиз яхши биламиз ва бу билан фахрланамиз. Бу йил кузда агрегатлар бункеридан шунча миқдордаги пахта тўкилди.

Лекин шуни таъкидлаш керакки, ҳали ҳосилнинг қариб 60 процентини қўлда териб олишга тўғри келяпти. Ҳосил йиғим-теримини тўла механизациялаш проблемасини узил-кесил ҳал қилишимиз учун ҳали кўп иш қилишимизга тўғри келади.

Тўғри, аъло даражадаги техникамиз кўп. Йил сайин бу техника кўпаяверади, унинг қуввати, унуми ошаверади. Бу КПСС XXIV съезди қарорларида кўзда тутилган.

Аммо ҳамиша ва ҳамма жойда ҳам ундан тўғри, оқилона фойдаланиляптимми? Қани, теварак-атрофимизга бир қараб кўрайликчи. Шунда биз техникадан кўпинча етарли фойдаланилмаётганига ишонч ҳосил қиламиз. Сурхондарёнинг ва республикадаги бошқа областларнинг кўпгина хўжаликларида ҳар бир тракторнинг иш унуми ўсиш ўрнига камайиб кетаётганлигидан ташвишга тушиб қолдим. Кўпинча механизмлар хизмат муддатини тўла ўтаб бўлмай туриб хисобдан чиқариб юборилмоқда. Бу йил кузда хўжалигимизда бешта пахта териш машинаси бир сменада ишлади. Демак озмунча пахтани қўлда теришга тўғри келгани йўқ.

Бугунги кунда кончи шахтада, пўлат қуювчи оловли цехда қандай марказий мавкени эгалласа, механизатор ҳам қишлоқда ана шундай мавқега эга. Бизларни дала гвардиячилари деймиз. Бу юксак номни бизга халқимиз, миллионларча деҳқонлар беришган. Чунки биз уларни оғир қўл меҳнатидан халос этдик. Механизатор, гвардиячи бўлиш трактор ёки комбайннинг ўриндиғига шунчаки ўтириш эмас. Механизатор, гвардиячи бўлиш ўз ишининг устаси, техника тараққиётининг жонкуяри, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш учун актив курашчи бўлиш демакдир. Республикамизда кўп сонли ажойиб механизаторлар бор. Бироқ механизаторлар орасида гвардиячи деган номни ўз иши билан оқламаётган кишилар ҳам йўқ эмас.

Механизаторлар бир қисмининг профессионал тайёргарлиги ҳозирги талабларга жавоб бермайди. Бу ҳол машиналар иш унумининг пасайишига олиб келяпти. Менинг дўстим ва яқингача мусобақадошим бўлган қўшни «Комсомолобод» совхози комплекс механизациялашган бригадасининг раҳбари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Отамурод Худойназаров бу йил кузда «Ўзбекистон» маркали машина билан 700 тоннага яқин пахта терди. Шу совхоздаги ва бошқа хўжаликлардаги кўпчилик механик-ҳайдовчилар эса мавсумда атиги 50—60 тоннадан пахта теришди. Шуни афсусланиб айтмоқчиманки, ана шу механизаторларнинг қўлига топшириб қўйилган терим машиналари тузукроқ ишлатилмаяпти, Кўпчилик хўжаликларда механизаторлар етишмайди, уларни тайёрлаш яхши йўлга қўйилмаган. Бу ҳол бизни ташвишлантирмаслиги мумкин эмас, ўртоқлар.

Мен республикадаги барча механизаторларга мурожаат қиламан! Дўстлар, техникадан унумли фойдаланмасдан туриб қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида прогрессив технологиянинг бўлиши мумкин эмас. Ҳаммамиз пахтачиликдаги, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг бошқа тармоқларидаги муваффақиятлар кадрларнинг ва даставвал биз механизаторларнинг малакамизга боғлиқ эканлигини унутмаслигимиз зарур. Шундай экан, келинглар, ўқийлик, маҳоратимизни оширайлик. Гвардиячи деган номни амалда оқлайлик. Узимизга, ишкимизга талабчан бўлайлик, механизаторлик шарафини чинакамига қадрлайлик.

Мен қишлоқ ёшларига, йигит ва қизларга, бизнинг ўринбосарларимизга мурожаат қиламан. Ёшлар учун кўпгина қизиқарли ва зарур ҳунарлар бор. Лекин ростини айтсам қишлоқ ёшлари учун механизаторлик энг қизиқарли касб ҳисобланади. Механизатор пахта етиштириш соҳасидаги асосий оғирликни ўз зиммасига олиб, одамларга «оқ олтин», ернинг бебаҳо бойлигини инъом этади. Шунга ишонинглари, механизаторнинг меҳнатидаги романтика, кундалик жасорат энг романтик касб эгаларининг меҳнатидагидан кам эмас. **Комсомол ва ёшлар, йигит ва қизлар, ўрта мактабларни тамомловчилар! Дала гвардиячиларининг сафига қўшилинглар, механизаторлик маҳоратини эгалланглар!**

Ўзбекистондаги колхоз ва совхозларнинг барча меҳнаткашларига мурожаат қиламан! Ҳозир шундай даврки, қишлоқ хўжалигини юксалтириш йўлида курашаётганларнинг олдинги сафида бўлиш учун механизаторлик кўникмаси ҳосил қилмоқ даркор. Сиз пахтакорлар сафида ўзингизнинг муҳим ўрнингизни эгаллашингиз, сувчи ёки айтайлик табелчи, бригадир бўлишингиз мумкин. Лекин сиз трактор, пахта ва кўрак териш машинасини ҳайдашни, кўрак чувиш машинасида ишлашни ўргансангиз жуда фойдали иш қилган бўласиз. Агар сиз бунга эришсангиз истаган вақтда механизаторнинг ўрнини босишингиз, трактор ёки пахта териш машинасининг ўриндиғига ўтиришингиз мумкин бўлади ва шунда техника тўхтовсиз ишлайди.

Республикадаги барча хўжаликларда механизаторлик маҳорати мактаблари ташкил этишни таклиф қиламан. Ана шу мактабларда энг яхши механизаторлар ўз тажрибаларини ўртоқларига ўргатишлари мумкин бўлур эди. Менинг назаримда бу мактаблар муттасил ишлайдиган бўлиши лозим, токи механизаторлар ўз малакаларини кун сайин ошириб борсинлар. «Ўзсельхозтехника» ташкилотлари ҳузуридаги курслар билан бир қаторда, бу мактаблар ёш механизатор кадрлар учоғига айланиши зарур.

Шонли гвардиячиларимизга, республиканинг машҳур механизаторларига, қадрли дўстларим Отамурод Худойназаров, Абдусаттор Қурбонов, Тўлан Дадажонов, Турсуной Охунова, Ҳафиз Полвонов ва бошқа моҳир механизаторларга мурожаат қиламан! Механизаторлик маҳорати мактабларига бошчилик қилингиз, ўнлаб ва юзлаб кишиларга ўзларингизнинг бой тажрибангизни ўргатингиз. Бамисоли ўқитувчи каби саҳий ва чидамли бўлингиз. Агар ҳар бир тажрибали механизатор бу ҳайрли ишга вақтини ва куч-қувватини аямаса биз комплекс механизациялашни жорий қилишда ва оқибат натижада пахта ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришда янги, янада юксак марраларни эгаллаймиз.

Узимга келганда шуни айтмоқчиманки, мана бир неча йилдан буён совхоздаги механизаторлик маҳорати мактабига раҳбарлик қилмоқдаман. Хўжаликдаги қариб барча тракторчилар ва механик-ҳайдовчилар ана шу мактабда ўқиб чиқишди. Ўз зиммамга қуйидаги мажбуриятни оламан: механизаторларнинг малакасини оширишни давом эттирган ҳолда 1972 йили совхоздаги мактабларни тамомлаб чиққан ёшлардан ўн кишини кенг профилли механизатор қилиб тайёрлайман.

Колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари ва мутахассисларига, «Ўзсельхозтехника» ходимларига мурожаат қиламан. Ҳурматли ўртоқлар, мен гапираётган ишнинг муваффақияти кўп жиҳатдан сизларга боғлиқ. Агар сизлар механизаторлик маҳорати мактабларига оталиқ қилсаларингиз, уларга ҳар тарафлама ёрдам берсаларингиз, механизаторларни маънавий ва моддий рағбатлантириш ҳақида кўпроқ ғамхўрлик қилсаларингиз партия, давлат ва хўжалик нуқтаи назаридан иш қилган бўласизлар.

Кўпинча мендан унумли меҳнат қилишимнинг, рекорд натижаларга эришишимнинг сири нимада деб сўрашади. Дўстларим, бунинг ҳеч қандай сири йўқ. Фақат техниканинг тилини билиш, одамлар билан сирлашиш зарур. Агар машинага худди ўз дўстингдек муносабатда бўлсанг у сени ҳеч қачон доғда қолдирмайди.

Дўстлар, мен сизлар билан ўз ўй-фикрларим ва таклифларимни ўртоқлашдим. Мен ўзимнинг ўй-фикрларим ва таклифларим сизларнинг қалбингиздан жой олишига ишонаман. Сизларнинг қўлингизга қудратли техника ишониб топшириб қўйилган. У тўла қуват билан ишласин, унинг пўлат қанотлари тобора кўпроқ деҳқонларнинг оғирини енгил қилсин.

Биз мамлакатга пахта берямиз, бу билан ўзимизнинг шарафли ватанпарварлик ва интернационал бурчимизни адо этямиз. Механизаторларимиз тракторнинг ўриндиғига қанчалик мустаҳкам ўтирсалар, «зангори кемаянинг штурвалини канчалик дадил бошқарсалар Ўзбекистоннинг «оқ олтин» хирмони шунчалик баракали бўлади.

Шоймардон ҚУДРАТОВ,

«Советобод» совхози комплекс механизациялашган бригадасининг раҳбари, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган механизатор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, ССР Иттифоқи Олий Советининг депутати. Сурхондарё область, Гагарин райони.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ УЧИНЧИ СЕССИЯСИ

СССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1971—1975 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАНИ ТЎҒРИСИДА ВА СССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1972 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ПЛАНИ ҲАҚИДА

СССР Министрлар Совети Раиси, депутат А. Н. КОСИГИН доклади

Ҳурматли депутат ўртоқлар! КПСС XXIV съезди коммунистик қурилишнинг ҳозирги босқичини, совет экономикасини ривожлантириш якунларини чуқур ва ҳар томонлама анализ қилиб берди. Ўтган саккизинчи беш йиллик йилларида мамлакатимиз сиёсий, иқтисодий ва социал ҳаётининг ҳамма соҳаларида катта муваффақиятлар қўлга киритилди. Бу муваффақиятлар партия ишлаб чиққан сиёсатнинг тўғрилигини тўла-тўкис тасдиқлади, бу сиёсатнинг ҳаётий кучини яққол намойиш қилди.

Ўтган беш йилликнинг асосий якуни шуки, КПСС XXIII съезди қўйган асосий иқтисодий ва социал вазифалар муваффақиятли бажарилди.

Шу йиллар ичида:

Ижтимоий ишлаб чиқаришни ўстириш суръатлари тезлаштирилди, унинг техникавий даражаси ва самарадорлиги ошди;

катта социал тадбирлар амалга оширилди, халқ фаровонлиги анча юксалтирилди, беш йилликнинг бу соҳасидаги топшириқлари эса ошириб бажарилди;

мамлакатимизнинг мудофаа қудрати тағин ҳам, мустаҳкамроқ бўлиб қолди. Қуролли Қучлар энг янги техника билан таъминланди;

Совет давлатининг қудрати ва халқаро обрў-эътибори ошди;

Социалистик ҳамдўстликдаги барча мамлакатларнинг иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлиги тағин ҳам мустаҳкам ва самарали бўлиб қолди. СССРнинг жаҳондаги бошқа кўпгина давлатлар билан иқтисодий алоқалари кенгайди.

Саккизинчи беш йиллик план бажарилганлиги натижасида мамлакатнинг иқтисодий потенциали анча ошди. Халқ хўжалигидаги асосий фондларнинг ҳаммаси ҳозирги вақтда 740 миллиард сўмга яқинлашиб қолди. Кейнги ўн йил ичида асосий ишлаб чиқариш фондларининг тахминан 75 проценти янгиланди.

Саноатда етакчи тармоқлар анча ривожланди, янги ишлаб чиқаришлар вужудга келди. Халқ хўжалигида энг янги техника ва технология тоборо кенг қўлланилмоқда.

Саккизинчи беш йилликни бажариш давомида демократик централизмнинг ленинча принциплари асосида хўжаликка планли раҳбарлик ва уни бошқариш такомиллаштирилди. Министрликлар ва идораларнинг ҳуқуқлари кенгайтирилди, корхоналар ва бирлашмаларнинг хўжалик ишидаги мустақиллиги оширилди, ишлаб чиқаришни бошқаришда меҳнаткашлар тағин ҳам активроқ қатнашадиган бўлиб қолди.

Мана шуларнинг ҳаммаси коммунистик қурилишнинг янги, тағин ҳам каттароқ вазифаларини ҳал этиш учун мустаҳкам негиз яратиб берди. Биз мана шуларга аввало партиямизнинг ленинча раҳбарлиги, совет халқининг меҳнатдаги шижоати туфайли эришдик. **(Қарсаклар).**

КПСС XXIV съезди мамлакатимизни янада ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаб берди, ривожланган социалистик жамиятнинг янги имкониятларига ва талабларига жавоб берадиган, илмий жиҳатдан асосланган социал-иқтисодий программа билан партия ва халқни қуроллантирди, тўқкизинчи беш йилликда халқ хўжалигини ривожлантириш директиваларини тасдиқлаб берди.

Съезд СССР Министрлар Советига қабул қилинган Директивалар асосида СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг беш йиллик йилликларига тақсимланган 1971—1975 йилги планини ишлаб чиқишни топширди.

Министрлар Совети, СССР Олий Совети муҳокамасига тақдим этган беш йиллик план съезд Директиваларига тўла мувофиқ, равишда тузилган.

Беш йиллик планни ишлаб чиқиш КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати раҳбарлигида олиб борилди. Планни ишлаб чиқишда СССР Госплани билан бирга министрликлар ва идоралар, иттифоқдош республикаларнинг министрлар советлари, касаба союзлари, маҳаллий план ва хўжалик органлари, фанлар академиялари ва бошқа илмий муассасалар иштирок этдилар. КПСС XXIV съездида, республикаларда бўлиб ўтган партия съезларида ҳамда ўлка ва областларда, шаҳар ва районларда бўлиб ўтган конференцияларда, бошланғич партия ташкилотларининг йиғилишларида ва меҳнаткашларнинг йиғилишларида киритилган таклифлар, шунингдек ишчилар, колхозчилар, мутахассислар ва олимлар киритган таклифлар қараб чиқилди.

План лойиҳаси КПСС Марказий Комитетининг шу кунларда бўлиб ўтган Пленумида муҳокама қилинди ва асосан маъқулланди.

Тўқкизинчи беш йилликда планга доир материаллар депутатлар қўлига бериб қўйилди. Планнинг энг муҳим вазифаларига тўхталиб ўтишимга ижозат бергайсиз.

I. БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАН — ЛЕНИН ПАРТИЯСИ ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТИНИНГ ИФОДАСИ

Тўқкизинчи беш йиллик — жамиятимизнинг коммунизм йўлидан янада олга боришидаги, коммунизмнинг моддий-техника базасини қуришдаги, мамлакатнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлашдаги муҳим босқичдир. Беш йиллик планини бажариш социалистик тузумнинг буюк афзалликларини кўрсатувчи янги ёркин далил бўлади.

Беш йиллик планнинг КПСС XXIV съездида белгилаб берилган асосий вазифаси шуки, **у социалистик ишлаб чиқаришни тез суръатлар билан ривожлантириш, унинг самарадорлигини ошириш, фан-техника тараққиёти ва меҳнат унумдорлигини ўстиришни тезлаштириш асосида халқ турмушининг моддий ва маданий даражасини анча юксалтиришни таъминлаб бериши лозим.**

Марказий Комитет номидан партия XXIV съездига қилган Ҳисобот докладида ўртоқ Л. И. Брежнев бундай деб уқтириб ўтди: «Меҳнаткашлар фаровонлигини анча оширишни тўқкизинчи беш йилликнинг асосий вазифаси қилиб қўйиш билан Марказий Комитет шуни назарда тутадики, бу йил бизнинг фаолиятимизни бундан бўнги беш йилликкагина белгилаб бериб қолмай, шу билан бирга мамлакат хўжалигини узоқ келгусида ривожлантиришнинг умумий йўналишини ҳам белгилаб беради. Партия шундай йўлни белгилаганида аввало шуни назарда тутадики, одамларнинг моддий ва маданий эҳтиёжларини тағин ҳам тўлароқ қондириш — социализм шароитидаги ижтимоий ишлаб чиқаришнинг олий мақсадидир».

Партиямизнинг бу йўли беш йиллик план топшириқларида конкрет ифодаланмоқда.

Бу планнинг асосий белгилари нималардан иборат?

Биринчидан, бу план инсон ҳаётининг ҳамма жиҳатларини илгари вақтдагига қараганда анча кўпроқ даражада ўз ичига олган кенг социал программадан иборатдир. Халқ фаровонлигини анча оширишни назарда тутиб, халқ хўжалигини ривожлантиришнинг узоқ муддатга мўлжалланган режаси — анчагина меҳнат ресурсларини аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасига тортишда ўз ифодасини топди.

Иккинчидан, план ижтимоий ишлаб чиқаришни тўхтовсиз кенгайтириш ва мамлакатнинг мудофаа қобилиятини таъминлаш негизи бўлган оғир саноатни янада зўр куч билан ривожлантиришни кўзда тутади. Бу эса халқ хўжалигини техника билан анча қайта қуроллантиришга, ижтимоий меҳнат унумдорлигини анчагина ўстиришга, аҳоли учун мол ишлаб чиқараётган тармоқларни, шунингдек маиший хизмат кўрсатиш соҳасининг ҳаммасини таъминлашни кўп даражада кенгайтиришга имкон беради.

Учинчидан, план қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг узоқ муддатга мўлжалланган ва партия ишлаб чиққан комплекс программасини амалга оширишни таъминлайди. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш бу программани амалга оширишнинг жуда муҳим шартидир. Химиялаштириш, комплекс механизациялаш, ерларни мелиорация қилиш, ишлаб чиқаришни иқтисодий равишда асослаб ихтисослаштириш ва марказлаштириш, фан ва техника муваффақиятларидан кенг фойдаланиш — мана шуларнинг ҳаммаси интенсивлаштиришнинг асосий омилларидир. Селекция масалалари — ўсимликларнинг серҳосил навларини ва чорва молларининг энг маҳсулдор зотларини топиш масалалари ҳозирги даврда катта аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда. Беш йиллик планда кўзда тутилганидек, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни юксалтиришга асосан сарфланадиган маблағларни кўпайтириш, машиналар ва минерал ўғитларни қишлоқ хўжалигига анча кўпроқ етказиб бериш йўли билан эришилади.

Тўртинчидан, фан-техника тараққиётини тезлаштириш ва ягона давлат техника сиёсатини амалга ошириш ижтимоий ишлаб чиқаришни тез суръатлар билан ўстиришнинг ва ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг асосий воситаси бўлиб қолмоқда. Фан-техника тараққиётининг комплекс программаси беш йиллик планнинг ажралмас қисмидир. Принципиал равишда янги меҳнат қуроллари, янги материалларни, прогрессив технологик жараёнларни яратиб бериш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш, маҳсулот сифатини ошириш мана шу программанинг негизидир.

Халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилларга мўлжаллаб қўйилган тез ва барқарор суръатлари КПСС XXIV съездининг Директиваларига тўла равишда мувофиқдир.

Планда беш йилликнинг ҳар бир йилига белгиланган вазифалар кўзда тутилган.

II. ИЖТИМОИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ЎСТИРИШ ВА УНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

Мамлакатнинг барча ишлаб чиқарувчи кучларини янада ривожлантириш, моддий ишлаб чиқаришни ва унинг самарадорлигини анча ўстириш тўқкизинчи беш йилликнинг социал-иқтисодий вазифаларини ҳал этишнинг жуда муҳим шартидир.

(1970 йилга нисбатан процент ҳисобида)

	1971 йил	1972 йил	1973 йил	1974 йил	1975 йил
Миллий даромад	106,1	113	121	129	139
Саноат маҳсулоти	106.9	115.4	124 4	135,1	147,0
Меҳнат унумдорлиги:					
Саноатда	105,9	113,0	120,3	129,0	138,8
Қурилишда	106,4	113,2	120.6	128,5	137,0
Барча транспорт турларининг юк обороти	105,3	111,6	118,3	126,0	135,1
Чакана товар обороти	106.4	114,6	123,3	132,3	141,8
Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда реал даромадлар	104,7	111	117,3	123,8	131
Ижтимоий истеъмол фондлари	107,2	114,1	121,1	130.5	140,6

Асосий кўрсаткичларнинг беш йиллик йиллари давомида ўсиб бориши совет экономикасини ривожлантириш ва халқ турмуш даражасини ошириш тўхтовсиз юксалиш йўлидан бораётганлигини кўрсатиб турибди.

Тўқкизинчи беш йилликда экономикамизни ривожлантириш ҳақиқатан жуда катта миқёсларда олиб борилишини кўрсатувчи бир неча мисолларни айтиб бераман. 1975 йилда халқ хўжалигидаги барча асосий фондларнинг қиммати триллион сўмдан ошиб кетади. Саноат маҳсулотининг йиллик ҳажми пул билан ҳисоблаганда 550 миллиард сўмга етади. Электр энергия ишлаб чиқариш 1 триллион киловатт-соатдан ошиб кетади. 150 миллион тоннага яқин пўлат эритиб берилади. Нефть қазиб чиқариш тахминан 500 миллион тоннага етказилади. Цемент ишлаб чиқариш 125 миллион тоннага етказилади. Газламалар ишлаб чиқариш 11 миллиард квадрат метрдан ошиб кетади. Чарм пойафзал ишлаб чиқариш эса 830 миллион жуфтга етказилади. Беш йиллиқнинг охирига бориб ялпи дон ҳосили 200 миллион тоннадан ошиб кетиши, гўшт етиштириш қарийб 16 миллион тоннага, сут етиштириш 100 миллион тоннага, тухум етиштириш 52 миллиард донага етказилиши лозим. Бу рақамлар ишлаб чиқариш юксак даражага кўтарилганлигини, давлатимизнинг иқтисодий қудратини яққол кўрсатиб турибди. **(Қарсаклар).**

СССР саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотининг умумий қажми 1975 йилда АҚШдаги саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ҳозирги даражасидан ошиб кетади. Бу эса, ўртоқлар, СССР билан капиталистик мамлакатлар ўртасдаги иқтисодий мусобақада муҳим босқичдир.

Янги беш йиллиқда биз фан-техникани тараққий эттириш ва шу асосда меҳнат унумдорлигини ошириш соҳасида анча олга силжишимиз лозим. Жаҳондаги икки хил системанинг иқтисодий мусобақасида эндиликда оғирлик маркази мана шу соҳага ўтмоқда. Партиямиз В. И. Ленининг «Қимдаки, энг катта техника, уюшқоқлик, интизом ва энг яхши машиналарга эга бўлса ўша устун бўлиб чиқади» (Асарлар тўла тўплами, 36-том, 116-бет) деган маълум кўрсатмасига амал қилмоқда. Социализм «устун» бўлиб чиқишига аминмиз! **(Қарсаклар).**

КПСС XXIV съезди**нинг фан-техника тараққиётини тезлаштириш тўғрисидаги** қарорлари тўқкизинчи беш йилликда моддий ишлаб чиқаришни ривожлантириш планига асос қилиб олинди. Фан-техника тараққиёти программаси конкрет проблемаларни ишлаб чиқишни кўзда тутади. Бу проблемаларни ҳал этиш ижтимоий ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришни ва унинг самарадорлигини оширишни, шунингдек фан ва техниканинг энг янги муваффақиятларидан амалий фойдаланишни таъминлайди.

Халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини **янги меҳнат қуроллари билан** таъминламоқ учун ҳозирги вақтда мамлакат қудратли моддий-техника базасига эга. Ушбу беш йиллиқда меҳнат қуроллари ишлаб чиқариш 1,6 баравар кўпайтирилиши лозим. 25 мингтага яқин янги машиналар, механизмлар, аппаратлар, асбоблар яратиш ва улардан 19 мингтадан кўпроғини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш вазифаси олдинда турибди. Меҳнат қуролларининг техникавий-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилашга — уларнинг унумдорлигини оширишга ишлатишда тежамли бўлишини таъминлашга, уларни ишлаб чиқаришга сарфланадиган материалларни камайтиришга, уларнинг пишиқ бўлишига алоҳида эътибор берилади.

Янги ускуналар яратиш йўли тутилаётганлиги ҳар бирининг қуввати анча кўпроқ бўлган машиналар ва агрегатлар конструкциясини тузиб бериш ва уларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш учун министрликларга берилган топшириқларда ўз ифодасини топмоқда. Масалан, катта энергетика блоклари, катта ҳажмдаги домна печлари, катта конверторлар, агрегатлар ҳамда химия, нефть химияси ва бошқа ишлаб чиқаришлар учун керакли установкалар, кон-руда ва кўмир саноати учун керакли роторли комплекслар ва экскаваторлар ҳамда бошқа кўпгина шу каби машиналарни яратиш ва уларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш тўғрисида министрликларга топшириқлар берилди.

Электр энергияни узоқ масофаларга узатиш ғоят ери кенг бўлган бизнинг мамлакатимиз учун катта аҳамиятга эга. Мамлакатнинг Европа қисмида ҳозир ишлаб турган ва умумий қуввати юз миллион киловаттдан кўпроқ бўлган туташ энергетика системасини Сибирь, Қозоғистон ва Ўрта Осиёнинг энергетика системалари билан бирлаштириб, мамлакатнинг туташ энергетика системасини вужудга келтириш ишлари давом эттирилади. Бунинг учун ўта зўр қувватга эга бўлган ва электр энергиясини узоқ масофаларга узатиб турадиган линиялар қурилади. Бир ярим миллион вольт кучланишли ўзгармас ток линиялари учун ва бир миллион 150 минг вольт кучланишли ўзгарувчан ток линиялари учун жаҳон практикасида биринчи марта юксак вольтли комплекс ускуналар яратиб берилмоқда.

Бизнинг машинасозлик саноатимиз айрим ишлаб чиқаришларни техника билан комплекс қайта қуроллантириш учун керакли машиналар системасини яратишга ва шундай машиналарни ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга киришмоқда. Кон-руда, кўмир, ўрмончилик ва ёғочсозлик саноати учун, қурилиш ва бошқа баъзи тармоқлар учун керакли машиналар системасини ишлаб чиқиш тугалланади ва шундай машиналарни ишлаб чиқариш ўзлаштирилади.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини техника билан таъминламоқ учун қуввати анча каттароқ бўлган ва иш тезлиги кўпроқ бўлган тракторларни кўплаб ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда, қувватли тракторлар билан комплекс бўлиб ишлайдиган тезкор қишлоқ хўжалик машиналари системаларини жорий қилиш давом эттирилади.

Беш йил ичида **янги ғоят самарали материаллар** яратиб берилиши лозим. Масалан, металлурглар махсус пўлатларнинг қотишмаларнинг, пресспорошокларнинг, металл пластикларнинг, янги чала ўтказгичли, ўта соф ва магнитли материалларнинг хилма-хил турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштиришлари лозим. Кимёгарлар машиналарнинг узелларини ва деталларини, енгил ҳажмдаги қурилиш конструкциялари ясаш учун керакли янги полимерлар ва бошқа синтетик материалларни яратиб беришлари керак. Планда ўта қаттик материаллар — сунъий кристаллар ҳосил қилиш борасида олимларимиз кашф қилган йўллардан бундан буён ҳам фойдаланишга доир топшириқлар берилган.

Техника тараққиёти фаннинг энг янги муваффақиятларидан фойдаланиш асосида **ишлаб чиқариш технологиясининг такомиллаштирилганлиги** билан, химиявий, шунингдек электр ва электрон технологии жараёнларнинг тағин ҳам кенгроқ жорий қилинганлиги билан кўп жиҳатдан белгиланади. Беш йиллик планда меҳнат ва материал сафларанишини камайтирадиган ва ҳом ашёдан комплекс фойдаланишни, маҳсулот сифатини яхшилашни ва нобудгарчиликни камайтиришни таъминлайдиган узлуксиз ва бир босқичли, юқори самарали технологик жараёнларни қўлланиш кўзда тутилади. Химиявий технологияни ривожлантириш билан бир қаторда катализли жараёнларни қўлланишни кенгайтириш ва катализаторларнинг ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришга ёрдам берадиган янги, тағин ҳам самарали типларидан фойдаланиш давом эттирилади.

Фанни ривожлантириш, унинг самарадорлигини ошириш ва фан муваффақиятларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш муддатларини қисқартириш фан-техника тараққиётини тезлаштириш учун жуда муҳим аҳамиятга эга.

Илмий тадқиқотлар ўтказиш ва илмий муассасаларнинг экспериментал базасини мустаҳкамлаш учун ушбу беш йиллиқда давлат томонидан қилинадиган сарфлар ўтган беш йиллиқда қилинган сарфларга нисбатан 60 процентдан зиёдроқ кўпайтирилади.

Совет олимлари ишлаб чиқаришдаги ходимлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаб, Ватанимизни кўпгина қанфиётларр ва ихтиролар билан бойитдилар. Улар кўпгина янги проблемалар устида иш олиб бормоқдалар. Бу проблемаларни муваффақиятли ҳал қилиш ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини кескин равишда оширади. Бу проблемаларнинг энг муҳимлари халқ хўжалик планига, министрликларнинг планларига киритилди. Принципиал равишда янги технологик жараёнлар яратиб бериш, шунингдек мана шу жараёнлар учун тегишли техника яратиб бериш устида олиб борилаётган илмий тадқиқотлар анча кенгайтирилади. Атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш соҳасида муҳим тадқиқотлар олиб бориш мўлжаллаб қўйилди. Термоядро синтези проблемаси устида олиб борилаётган ишлар ҳам давом эттирилади ва ривожлантирилади. Лазер технологияси кенг ривожлантирилади. Биология фанининг энг янги муваффақиятларини ишга солиш катта роль ўйнайди.

Жаҳон океанининг ресурсларини ўрганиш ва бу ресурслардан фойдаланиш, сув ва ҳаво ҳавзаларини булғанишдан сақлаш, сув ва энергетика ресурсларидан рационал равишда фойдаланиш сингари катта проблемалар устида иш олиб бориш беш йиллик планда мўлжаллаб қўйилди.

Янги меҳнат қуроллари, хоссалари олдиндан белгилаб қўйилган материаллар яратишга доир, технология жараёнларини такомиллаштиришга доир янги самарали лойиҳаларни ишлаб чиқишга бизнинг ихтирочиларимиз, рационализаторларимиз, ишлаб чиқариш новаторларимиз катта ҳисса қўшмоқдалар. Мана шу прогрессив янгиликларнинг жонкуярлари кўрсатаётган ижодий ташаббусни хўжалик, илмий ва жамоат ташкилотлар қўллаб-қувватлашлари ва уларга ҳар томонлама кўмаклашишлари лозим.

Беш йиллик план техника тараққиётига асосланиб **ижтимоий меҳнат унумдорлигини** янада анча **ўстиришни** мўлжаллаб қўйди. Чунончи меҳнат унумдорлиги 1975 йилда саноатда қарийб 39 процент, қишлоқ хўжалигининг ижтимоий секторида 38 процент, қурилишда 37 процент, темир йўл транспортида тахминан 23 процент кўпайиши лозим. Бошқа сўз билан айтганда, бу — ҳар бир маҳсулотни ишлаб чиқаришга сарфланадиган меҳнат беш йил ичида анча қисқаради, демакдир. 1 миллион сўмлик ялпи ижтимоий маҳсулотни ишлаб чиқаришга 1960 йилда 267 нафар ходимнинг меҳнати, 1970 йилда 150 нафар ходимнинг меҳнати сарфланган бўлса, 1975 йилда фақат 113 нафар ходимнинг меҳнати сарфланади.

Меҳнат унумдорлиги мана шундай мўлжалланган миқдорда оширилганида моддий ишлаб чиқаришда ишлаётган ходимлар сонини беш йил ичида фақат 4,7 миллион нафар кўпайтириш лозим бўлади. ваҳоланки меҳнат унумдорлиги 1970 йилги даражада бўлганида бунинг учун қўшимча равишда яна 37 миллион нафар ходим керак бўлар эди. Биноборин, ишлаб чиқаришни техника билан қайта қуроллантириш, уни ташкил этишни такомиллаштириш туфайли меҳнат унумдорлигининг ўстирилиши 32 миллиондан зиёдроқ кишининг меҳнатини реал равишда тежашни таъминлайди. Мана шундай тежашга эришиш социалистик хўжалигимизнинг катта ғалабаси бўлади.

Беш йил ичида барча меҳнат ресурсларининг ўсиши тахминан 10 миллион кишидан иборат бўлишини ҳисобга олсак, бу проблемани ҳал қилиш алоҳида аҳамиятга эга бўлиб қолади. Ҳали айтиб ўтилганидек мана шу 10 миллион кишидан 4,7 миллион нафари моддий ишлаб чиқариш учун қўшимча равишда керак бўлади, қолган 5 миллион кищи эса маориф, соғлиқни сақлаш, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасида ҳамда материал ишлаб чиқарилмайдиган бошқа тармоқларда ишлайдиган ходимлар сонининг кўпайтирилишини таъминлайди.

Шуни айтиб ўтиш керакки ҳозирги вақтнинг ўзидаёқ меҳнат ресурсларининг катта қисмидан аҳолининг кундалик эҳтиёжларини қондириш учун фойдаланилмоқда. Чунончи, СССР Марказий статистика бошқармасининг маълумотига қараганда, саккизинчи беш йилликнинг охирида халқ хўжалигида ишлаб турган жамики ходимларнинг тўртдан уч қисмига яқини халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришда ва аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш соҳасида бевосита ёки билвосита шуғулланаётган кишилардан иборат бўлган. Қишлоқ хўжалик ходимлари, истеъмол моллари ишлаб чиқараётган саноат ходимлари шунингдек шу саноат билан алоқадор тармоқларнинг ходимлари, уй-жой, мактаб, касалхона ва бошқа маданий-маиший муассасалар қураётган ходимлар, улар учун истеъмол буюмларини ва ҳом ашёларни ташиб бераётган транспорт ходимлари, ўқитувчилар, врачлар, савдо ходимлари ва аҳолига хизмат қилиш билан боғлиқ бўлган бошқа ходимлар шулар жумласига киради. Ишлаб турганларнинг фақат тўртдан бир қисмигина оқибат натижада ишлаб чиқариш жамғармаларини тўплаш мақсадлари учун фойдаланиладиган ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш билан банд бўлган ходимлардир.

Мана шулардан хулоса чиқариб шуни айтиш керакки, тўқкизинчи беш йилликнинг меҳнат унумдорлигини ошириш борасида мўлжаллаб қўйган топшириқларини бажаришнинг ўзигина моддий ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва анча кенгайиб бораётган аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаси эҳтиёжларини ишчи кучи билан таъминлашга имкон беради.

Саноат ишлаб чиқаришни ривожлантириш, саноат ишининг самарадорлигини ошириш социал-иқтисодий вазифаларнинг бажарилиши учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Планда саноат ишлаб чиқаришини ўстиришни ўтган беш йиллиқдагига нисбатан анча кўпайтириш кўзда тутилган. Саноат маҳсулотларни ишлаб чиқариш тўқкизинчи беш йиллиқда анча кўпайтирилиб таққосланувчи нархлар билан ҳисоблаганда, бу ўсиш саккизинчи беш йилликдаги 125 миллиард сўм ўрнига тўқкизинчи беш йилликда 174 миллиард сўмга етказилади.

Саноат маҳсулотининг айрим турлари беш йилликнинг ҳар бир йилида қуйидаги миқдорда ишлаб чиқарилади:

	1971 йил	1972 йил	1973 йил	1974 йил	1975 йил
Электр энергия — млрд. квт-соат	790	850	913	985	1065
Нефть (газ конденсатидан ташқари) миллион тонна	371	395	429	461	496
Табиий газ — млрд. куб метр	211	229	250	280	320
Кўмир — млн. тонна	620	634	652	670	695
Пўлат — млн. тонна	120	126	131	138	146
Химия ва нефть химияси саноати маҳсулоти — млрд. сўм	22,8	25,2	27,9	31,7	36,3
Пластмасса ва синтетик смолалар — минг тонна	1785	1992	2277	2759	3533
Химиявий толалар — минг тонна	672	746	828	911	1065
Целлюлоза — минг тонна	5447	5812	6637	7496	8490
Қоғоз — минг тонна	4362	4556	4855	5174	5564
Цемент — млн. тонна	99	103,4	108,5	116,3	125
Машинасозлик ва металл ишлаш саноати маҳсулоти — миллиард сўм	93	104	116	130	146
Автомобиллар — минг дона	1122	1376	1703	1987	2100
шу жумладан енгил автомобиллар — минг дона	513	728	977	1204	1260
Асбоблар, автоматлаштириш воситалари ва уларга керакли запас қисмлар — млн. сўм	3310	3868	4487	5359	6308
Енгил ва озиқ-овқат саноати учун керакли машиналар ва ускуналар — млн. сўм	825	934	1127	1338	1576
Қишлоқ хўжалик машиналари — млн. сўм	2336	2641	2978	3324	3702
Тракторлар — минг дона	470	478	502	542	575
млн. от кучи	31,6	34	42,7	49,3	53
Ғалла комбайнлари — минг дона	102	103	94	123	138
Енгил саноат маҳсулоти, маданий-маиший ва рўзғор моллари — млрд. сўм	82	89	95	102	112
Мебель — млрд. сўм	2,99	3,34	3,68	4,086	4,63
Холодильниклар — минг дона	4568	5131	5782	6288	6901
Ғазлама — млрд. кв. метр	9,4	9,6	10,06	10,45	11,1
Чарм пойафзал — млн. жуфт	708	728	759	791	830
Озиқ-овқат, гўшт, сут ва балиқчилик саноати маҳсулоти — млрд. сўм	82	88	93	99	107

Халқ хўжалигининг **ёқилғи-энергетика базасини** янада мустаҳкамлаш ва техника билан таъминлаш беш йиллиқнинг энг муҳим вазифаларидан бири.

Кучли иссиқлик электр станциялари ва гидростанциялар қуриш йўли билан электр энергетикани тез ривожлантириш кўзда тутилади. Атом энергетикаси анча ривожлантирилади.

Мамлакатнинг ёқилғи балансида нефть ва газнинг улушини янада ошириш кўзда тутилади. Нефть қазиб чиқариладиган янги районлар илгари вақтларнинг ҳаммасига қараганда анча тезроқ ўзлаштирилмоқда. Масалан, Ғарбий Сибирда, Тюмень ва Томск областларида нефть қазиб чиқариш ҳақиқатда ўтган беш йилликдагина бошланган эди. Бу ерда қазиб олинаётган нефтнинг йиллик миқдори 1975 йилда 125 миллион тоннага етказилади.

Мамлакатни нефть-газ билан таъминлашнинг туташ системасини вужудга келтириш ишлари давом эттирилади. Нефть ва газ қазиб чиқарилаётган янги районлардан Тюмень, Манғишлоқ, Буктиль, Оренбург ва Удмуртия АССРдан бу нефть ва газни мамлакатнинг бошқа районларига оқизиб юбориш учун катта қувурлар қурилмоқда. Қиш фаслида газ таъминотини узлуксиз давом эттириш мақсадида бир қанча саноат марказлари яқинида ер остидаги газхоналарни анча кенгайтириш мўлжаллаб қўйилди.

Беш йиллик планда саноатнинг **хом ашё тармоқларини** янада ривожлантириш кўзда тутилди. Бу тармоқларни техника билан қайта қуроллантириш давом эттирилади. Шу билан бирга истеъмолчилар фойдаланиши учун кўпроқ тахт қилиб қўйилган материаллар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, шунингдек хом ашё ва материалларнинг замонавий машина—ускуналар, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш талабларига жавоб берадиган юқори сифатли янги турларини ишлаб чиқаришга эътибор берилади.

(Давоми учинчи бетда).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ УЧИНЧИ СЕССИЯСИ

СССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1971—1975 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАНИ ТЎҒРИСИДА ВА СССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1972 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ПЛАНИ ҲАҚИДА

(Давоми. Бошн иккинчи бетда).

Қора металлургия соҳасида металлнинг 500 га яқин тежамли профилларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилади. Ишлаб чиқарилаётган профилларни кўпайтириш ва прокат сифатини яхшилаш 1975 йилда машинасозлик ва металл ишлаш соҳасида 8 миллион тонна чамаси металлни тежашга имкон беради. Диаметри катта бўлган ва газнинг кучли босимига бардош бера оладиган газ қувурларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш трубопроводларнинг кўпроқ миқдорда газ ўтказишга ва газ ташишни арзонлаштиришга имкон беради.

Рангли металлургия олдида катта вазифалар турибди. Алюминий, рух, мис, никель ҳамда бошқа кўпгина рангли ва нодир металлар ишлаб чиқариш анча кўпайтирилади. Химия саноатида маҳсулотларнинг 4 мингдан кўпроқ турларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилади. Синтетик толалар ва пластмасса ишлаб чиқариш икки баравардан зиёдроқ кўпайтирилади. Юқори сифатли синтетик каучуклар ишлаб чиқариш кўпайтирилади, бу эса кўпроқ вақт хизмат қиладиган автомобиль шиналари ишлаб чиқаришни анча кенгайтиришга имкон беради.

Ўрмончилик саноати ўз вазифаларини ҳозирча яхшилаб бажараётгани йўқ. Бу саноатнинг ишини қайта қуриш мўлжалланмоқда. Кесиб олинаётган дарахтлардан тўлиқроқ фойдаланиш, бу дарахтларнинг шу вақтгача чиқитга чиқариб юборилаётган қисмини ҳам қайта ишлаш чоралари кўрилади.

Машинасозлик программаси оғир саноатнинг барча тармоқларини техника жиҳатидан тағин ҳам юксак даражада ривожлантиришни, мамлакатимизнинг мудофаа қобиллигини янада мустаҳкамлашни, қишлоқ хўжалигининг моддий техника базасини кучайтириш ва янгилашни, енгил саноатни ва озиқ-овқат саноатини, шунингдек аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасининг корхоналарини техника билан қайта қуроллантиришни таъминлайди.

Машинасозлик саноати олдига қўйилган катта вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш мақсадида бу тармоққа сарфланадиган капитал маблағлар бундан олдинги беш йилликка қараганда қариб икки баравар кўпайтирилади. Машинасозлик саноатининг ўзида ишлаб чиқаришнинг техника даражаси анча оширилади, ускуналар паркининг структураси яхшиланади.

Беш йиллик планда **халқ истеъмоли моллари** ишлаб чиқаришни анча кўпайтириш кўзда тутилди. Бундай моллар 1975 йилда 1970 йилдагига қараганда 49 процент кўп ишлаб чиқарилади. Ишлаб чиқаришни бундай ўстириш енгил ва озиқ-овқат саноатининг кўпгина янги корхоналарини ишга туширишни, ишлаб турган заводлар ва фабрикаларни техника билан қайта қуроллантириш ҳал этади. Шу мақсадларни амалга ошириш учун давлат катта-катта маблағ ва моддий ресурслар ажратиб беради. Машинасозлик, химия ва мудофаа саноати, қора ва рангли металлургия ҳамда саноатнинг бошқа тармоқлари халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришда муҳим роль ўйнайди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотини етиштириш ҳажми беш йиллик планда КПСС XXIV съездининг Директиваларига мувофиқ кўзда тутилган. Қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг ҳар 100 гектарига ҳисоблаганда колхоз ва совхозларда маҳсулот етиштириш учдан бир қисмича кўпайтирилади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини давлатнинг харид қилиши анча кўпайтирилади.

1971—1975 йилларда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга давлат ва колхозлар 129 миллиард сўмга яқин капитал маблағ ажратадилар.

Қишлоқ хўжалиги беш йил ичида қуввати анча катта бўлган 1 миллион 700 минг трактор, ғиш унуми юксак бўлган янги ғалла комбайнлари ва маккажўхорини ўриб-йиғиб оладиган комбайнлар, ёмғир ёғдирувчи машиналар, ерга минерал ўғит солиб берадиган машина ва қишлоқ хўжалик техникасининг бошқа кўпгина турларини олади. Чорвачиликдаги ишларни механизациялаштирадиган машиналар ишлаб чиқариш икки баравардан зиёдроқ кўпайтирилади. Ерларни мелиорация қилишнинг кенг программасини амалга ошириш учун керакли машиналар ишлаб чиқариш кўпайтирилади. Қишлоқ хўжалигини электр билан таъминлаш анча оширилади.

Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш 1970 йилдаги 55,4 миллион тонна ўрнига 1975 йилда 90 миллион тоннага етказилади.

Беш йил ичида 3,2 миллион гектар суғориладиган ер, 5 миллион гектар захи кетказилган ер ва 41 миллион гектардан кўпроқ сув билан таъминланган яйловлар фойдаланишга топширилади. Волга бўйида, Шимолий Кавказда, Украина жанубида захи қочирилган ва суғорилаётган ерларда товар дон етиштириб берадиган катта-катта базалар вужудга келтириш мўлжаллаб қўйилди.

Чорвачиликни юксалтириш борасида катта чоралар мўлжалланмоқда. Чорвани ем-хашак билан таъминлаш бу вазифани ҳал этишнинг асосий шартидир. Беш йиллик планда ем-хашак етиштиришни, айниқса, концентрат озуқалар ва яйлов хашаклари етиштиришни анча кўпайтириш кўзда тутилади. Бу мақсадга аввало озуқа экинларининг ҳосилдорлигини ошириш ва суғориладиган сермаҳсул яйловлар вужудга келтириш йўли билан эришилади. Омухта ем ишлаб чиқариш 1975 йилда қариб 35 миллион тоннага, озуқабоп фосфатлар ишлаб чиқариш 3 миллион тоннага етказилади, чорва озуқасига қўшиб бериладиган оқсил витамин моддалар ишлаб чиқариш 1 миллион тоннадан ошириб юборилади. Колхоз ва совхозларда саноат асосида чорвачилик маҳсулотя етиштириладиган катта комплекслар қурилади.

Қишлоқ хўжалигига ажратилаётган жуда катта маблағлардан энг кўп самара берадиган қилиб фойдаланиш лозим.

Беш йиллик планда **транспортни** ривожлантиришга катта эътибор берилган.

Темир йўл транспортини ривожлантиришга бериладиган капитал маблағлар қариб 1,6 баравар кўпайтирилади. 5,6 минг километр янги темир йўл қуриш ва 6 минг километр темир йўлни электрлаштириш мўлжаллаб қўйилди. Ўтган беш йилликка қараганда бу беш йилликда қариб 3,5 баравар кўп иккинчи йўллар қурилади. Саноат 425 мингта, яъни ўтган беш йилликка қараганда 65 процент кўп юк вагонлар етказиб беради. Темир йўл транспортининг юк ташиб бериш қуввати анча кўпайтирилади, пассажирлар ташиш яхшиланади.

Беш йиллик йилларида автомобиль транспорти анча ривожлантирилади. Енгил автомобиллар парки кескин равишда кўпайтирилади. Бу эса ремонт корхоналарини, техникавий хизмат кўрсатиш станцияларини кўпайтириш ва кенгайтиришни, уларнинг ишларини ташкил этишни яхшилашни, мажбурий техника ва технологиядан фойдаланиш кўзда тутилиши лозим, қурилиш учун тузилган сметалар эса унинг аниқ қийматини аниқлаштириши ҳамда корхона қурилаётган бутун бир давр давомида планлаштириш ва уни пул билан таъминлаш учун негиз бўлиши лозим. Министрликларнинг, қурилиш ва лойиҳалаш ташкилотларининг вазифаси шуки, улар қурилишнинг смета қийматини камайтиришни таъминлашлари, қурилишни арзонлаштириш имкониятларини излаб топишлари керак.

Қурилиш индустриясини ва бинокорлик материаллари саноатини ривожлантиришга 21 миллиард сўмга яқин ёки саккизинчи беш йилликка қараганда 4,5 миллиард сўм кўп маблағ ажратилади.

Капитал қурилиш программасини бажариш **ишлаб чиқарувчи кучларнинг жойлаштирилишини** анча яхшилайди, табиий ресурсларга бой бўлган шарқий ва шимолий районларнинг ривожлантирилишини тезлаштиради. Беш йилликнинг охирига бориб Урал шарқидаги районларда мамлакатда чиқарилаётган жамики саноат маҳсулотининг тахминан бешдан бир қисми ишлаб чиқариладиган бўлади. Геологлар шарқий районларда қидириш ишларини янада ривожлантириш билан бир қаторда мамлакатнинг Европа қисмида нефть, кўмир, газ ва бошқа фойдали қазилмалар бор жойларни қидиришни кучайтиришлари керак.

Иттифоқдош республикалар хўжалигини ва маданиятини ривожлантириш миқёслари планда КПСС XXIV съездининг Директивларига мувофиқ белгилаб берилди.

Саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми барча иттифоқдош республикаларда анча кўпайтирилади.

	Саноат 1975 йил 1970 йилга нисбатан процент ҳисобида	Қишлоқ хўжалиги (9-беш йиллик-да ҳар йили ўртача ишлаб чиқариш 8-беш йиллика нисбатан процент ҳисобида)
	Маҳсулотнинг ўсиши	
РСФСР	147	122
Украина ССР	143	119
Белоруссия ССР	158	125
Ўзбекистон ССР	151	124
Қозоғистон ССР	159	122
Грузия ССР	144	127
Озарбайжон ССР	146	135
Литва ССР	149	116
Молдавия ССР	162	136
Латвия ССР	140	119
Қирғизистон ССР	155	120
Тожикистон ССР	138	128
Арманистон ССР	164	132
Туркманистон ССР	164	120
Эстония ССР	138	120

1972 йилда совет халқи Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи тузилганлигининг эллик йиллигини нишонлайди. Бу — шонли ва тарихий санадир. Бизнинг кўп миллатли давлатимиз ўз таркибидаги барча миллатлар ва элатлар дўстлиги ва қардошларча ҳамкорлиги бирлигининг намунаси бўлиб турибди. Коммунистик партия ленинча миллий сиёсатни оғишмай амалга ошира бориб миллий масалани бирдан-бир тўғри ва одилона асосда—Улуғ Ватанимиз барча халқларининг тенглиги ва бир-бирларини ҳурматлаши асосида ҳал этишга муваффақ бўлди.

Кўп миллатли социалистик давлатимизнинг барча халқлари бу санани беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун курашда сиёсий активликни ва меҳнат ғайратини янада юксалтириш билан нишонлайдилар.

III. ХАЛҚНИНГ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ ПРОГРАММАСИ

Мамлакат иқтисодий потенциалини ошириш, халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида фан-техника тараққиёти социал ривожланишнинг йириқ вазифаларини муваффақиятли ҳал этишнинг негизидир. Беш йиллик планда халқнинг турмуш даражасини ошириш КПСС XXIV съезди Директивларига тамомила мувофиқ равишда белгиланган.

Бу программанинг бажарилиши бутун совет халқининг, ҳар бир оиланинг фаровонлигини анча оширишни таъминлайди, аҳоли моддий ва маънавий ҳаётининг ҳамма томонларини ўз ичига олади. Бунда социалистик тузум афзаллиги яққол намоён бўлади.

Тўққизинчи беш йилликда аҳоли жон бошига реал даромадлар 31 процент кўпаяди. Аҳолининг пул даромадлари 1975 йилда 1970 йилга нисбатан 78 миллиард сўм миқдорида ортади. Шундан 22 миллиард сўми иш ҳақи ставкалари ва окладларини, пенсиялар, нафақалар, стипендиялар миқдорини ошириш юзасидан ўтказиладиган янги давлат тадбирларига ва бошқа тадбирларга сарф қилинади.

Бу маблағнинг катта қисми иш ҳақи минимумини, шунингдек ўртача ҳақ оладиган ишчи ва хизматчиларнинг ставкалари ва окладларини оширишга ишлатилади. Ставкалар ва окладлар беш йиллик мобайнида Совет Иттифоқи районлари бўйича изчиллик билан оширилади.

Айни вақтда шу районлар бўйича ойига 70 сўмгача иш ҳақи оладиган ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақидан солиқ олиш тўхтатилади ва ойига 90 сўмгача бўлган иш ҳақидан олинадиган солиқлар ўрта ҳисобда учдан бир ҳиссадан кўпроқ миқдорда камайтирилади. Ставкалар ва окладларни ошириш билан бирга 1972—1974 йиллар мобайнида тунги вақтда ишлаган ходимларга тўланадиган қўшимча ҳақлар кўпайтирилади. 1972 йил 1 сентябрдан бошлаб бутун мамлакатда ўқитувчилар, врачлар, мактабгача тарбия болалар муассасалари тарбиячиларининг иш ҳақини ошириш белгиланади.

Ана шу тадбирларни амалга оширишнинг конкрет муддатлари қуйидагича:

1. Иш ҳақининг минимал миқдорини ошириш билан бирга ўртача ҳақ оладиган ишчи ва хизматчиларнинг ставкалари ва окладларини кўпайтириш — ҳаммаси	амалга ошириш муддатлари 1971-1975 йиллар
Шу жумладан:	
Ишлаб чиқариш тармоқлари 1971—1974 йиллар	
шулардан:	
Темир йўл транспорти	1971 йил
Қишлоқ хўжалиги (механизаторлар)	1971-1972 йиллар
Саноат ва моддий ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқлари	1972-1974 йиллар
Шу жумладан районлар бўйича:	
Узоқ шимол ва унга тенглаштирилган районлар, Европа шимоли, Узоқ Шарқ, Шарқий Сибирь, Ғарбий Сибирь ва Урал	1972 йил
Қозоғистон, Ўрта Осиё, Волга-Вятка райони, Поволжье, Донбасс, Ростов области	1973 йил
Шимолий-Ғарбий, Марказий, Марказий-қоратупроқ районлари, Украина (Донбассдан ташқари), Белоруссия, Молдавия, Балтика бўйи, Шимолий Кавказ (Ростов областидан ташқари) ва Закавказье	1974 йил
Ишлаб чиқаришдан ташқари тармоқлар	1972—1975 йиллар
Шу жумладан:	
Врачлар, ўқитувчилар, мактабгача тарбия болалар муассасаларининг тарбиячилари	1972 йил
Маориф ва соғлиқни сақлашнинг бошқа ходимлари	1974 йил
Уй-жой—коммунал хўжалиги, савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат, тайёрлаш, таъминот, реализация, илмий муассасалар. бошқарув аппарати	1975 йил
2. Тунги вақтда ишлаганлик учун меҳнатга қўшимча ҳақ тўлашни кўпайтириш	1972—1974 йиллар
3. Ойига 70 сўмгача бўлган иш ҳақидан солиқ олишни бекор қилиш ва ойига 71 сўмдан 90 сўмгача бўлган иш ҳақидан олинадиган солиқни камайтириш	1972-1975 йиллар

Жуда катта табиий бойликлар хўжалик оборотига тобора кўпроқ қўшилаётган Шарқий ва Шимолий районларни иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришни янада жадаллаштириш манфаатларини кўзлаб, 1972-1975 йилларда аҳоли даромадларини оширадиган қўшимча имтиёзларни жорий этиш кўзда тутилди. Бу эса шу районларга ишчи ва мутахассис кадрларни жалб қилиш ва уларнинг ўрнашиб қолишига ёрдам беради.

Бу тадбирлар қуйидаги муддатларда амалга оширилади:

	амалга ошириш муддатлари
1. Ҳозирги вақтда район коэффициентлари қўлланилмаётган тармоқлардаги ходимларнинг иш ҳақига ана шундай коэффициентларни жорий қилиш — ҳаммаси	1972-1975 йиллар
Шу жумладан:	
Ғарбий Сибирь ва Ўрта Осиёнинг айрим районлари	1972 йил
Урал	1973-1975 йиллар
Қозоғистон (Жанубий районлардан ташқари)	1974-1975 йиллар
2. Узоқ Шарқ ва Шарқий Сибирнинг бир қанча районларида иш ҳақига илгари жорий этилган район коэффициентларини ошириш	1974-1975 йиллар
3. Европа шимолининг айрим районларида имтиёзлар жорий этиш	1972 йил
Ўчмуан ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларнинг, шу жумладан совхозлар ходимларининг ўртача ойлик иш ҳақи 1975 йилда деярли 150 сўмга етади, ижтимоий фондлар ҳисобидан берилаётган имтиёзларни ҳам ҳисоблаганда ойига 200 сўмдан ошиб кетади.	

Беш йиллик планда жамиятнинг меҳнатга лаёқатсиз аъзолари турмуш даражасини ошириш соҳасида катта тадбирларни амалга ошириш — пенсия таъминотини ва социал страхованиени яхшилаш кўзда тутилган. Қарилик пенсияларининг минимал миқдорлари, шунингдек инвалидларга ва боқувчисидан жудо бўлган оилаларга бериладиган пенсиялар ошириладн.

Ана шу тадбирларни амалга ошириш учун қуйидаги муддатлар белгиланди:

	амалга ошириш муддатлари
1. Ишчи ва хизматчиларни қарилик пенсиялари минимал миқдорини ойига 30 сўмдан 45 сўмгача ва колхозчиларнинг қарилик пенсиялари минимал миқдорини 12 сўмдан 20 сўмгача кўпайтириб, айни вақтда колхозчиларнинг инвалидлик пенсияларини ва боқувчисидан жудо бўлганлиги учун берилаётган пенсиялар миқдорини ошириш, ҳамда пенсиялари ҳисоблаб чиқаришнинг ишчилар ва хизматчилар учун белгиланган шартларини колхоз аъзоларига ҳам жорий қилиш	1971 йил
2. Ишчилар, хизматчилар ва ҳарбий хизматчиларнинг инвалидлик пенсияларини, ҳамда уларнинг боқувчисидан жудо бўлган оилаларига бериладиган пенсияларни кўпайтириш	1973-1974 йиллар
3. Меҳнат қобилиятини вақтинча йўқотишнинг айрим ҳолларида бериладиган нафақаларни кўпайтириш	1974 йил

Шу тадбирларнинг бир қисми 1971 йилдаёқ амалга оширилди.

Бизнинг мамлакатимизда ёш авлодни тарбиялашда оналарга, айниқса, кўп болали оналарга давлатнинг ҳар томонлама ёрдам бериш системаси амал қилиб келмоқда. Тўқкизинчи беш йилликда бу система оиланинг ҳар бир аъзосига тўғри келадиган жаъми даромад ойига 50 сўмдан ошмайдиган кам таъминланган оналарда болалар учун нафақалар жорий этиш билан тўлдирилади. Оналарга алоҳида эътибор берилади. Иш стажи қанча бўлишидан қатъий назар хомиладорлик отпускасига юз процент ҳақ тўлаш белгиланади. Касал болани парвариш қилиш учун ҳақ тўланадиган пуллар кўпайтирилади. Ишлайдиган аёллар учун бошқа имтиёзлар ҳам жорий этилади.

1972 йил 1 сентябрдан бошлаб олий ўқув юртлари студентларининг, ўрта махсус ўқув юртлари, техника билим юртлари ўқувчиларининг стипендияларини кўпайтириш тўғрисида ва уларнинг маиший шароитларини яхшилаш чоралари ҳақида қарор қабул қилинди. Шаҳардаги ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларини овқатлантиришни яхшилаш мўлжалланмоқда. Касалхоналарда овқатланиш учун бериладиган маблағлар нормаси оширилади.

Бу соҳадаги тадбирлар қуйидаги муддатларда амалга оширилади:

	амалга ошириш муддатлари
1. Жон бошига тўғри келадиган жами даромад ойига 50 сўмдан ошмайдиган оналарга болалар учун нафақалар жорий этиш	1974 йил
2. Касал болани парвариш қилиш учун ҳақ тўланадиган кунларни кўпайтириш, ишлайдиган ҳамма аёлларнинг меҳнат стажидан қатъий назар уларга хомиладорлик ва туғиш отпускаларига 100 процент ҳақ тўлаш ва бошқа имтиёзлар	1973-1974 йиллар
3. Олий ўқув юртлари студентларининг ҳамда ўрта махсус ўқув юртлари ва техника билим юртлари ўқувчиларининг стипендияларини ошириш	1972 йил 1 сентябрдан бошлаб
4. Шаҳар ҳунар-техника билим юртларида, шунингдек касалхоналарда овқатланишга сарф қиланадиган маблағлар нормасини кўпайтириш	1972-1973 йиллар

Ҳозирги вақтда давлатнинг ўзига қарашли доимий болалар яслилари ва боғчаларида 9,4 миллион бола тарбиялаб келинмоқда, 5,5 миллион ўқувчи куни узайтирилган мактабларда таълим олмоқда. Шу беш йилликда 2 миллиондан кўпроқ ўринли мактабгача тарбия муассасалари қурилади, куни узайтирилган мактаблар ва группалардаги ўқувчилар 1,7 миллион нафар кўпаяди.

Сизларга маълумки КПСС XXIV съездида 1947-1956 йилларда чиқарилган давлат ички заёмлари ҳақини муддатидан олдин қайтариб бериш тўғрисида қарор қабул қилинди. Шу қарорга мувофиқ заёмларнинг ҳақини қайтариб бериш 1974 йилдан бошланади. Планда шу мақсадларга 1974 ва 1975 йилларда 1 миллиард сўмдан маблағ ажратиш кўзда тутилган.

Аҳоли даромадларининг ўсиши товарларга бўлган талабни анча оширади. Бу нарса беш йиллик планда ҳисобга олинган. **Чакана товар оборотн ҳажми** йил сайин ортиб боради ва 1975 йилда 218 миллиард сўмга етади, яъни 1970 йилдагига нисбатан 64 миллиард сўм ортади. Гўшт, балиқ, сут маҳсулотлари, тухум, сабзавот ва мева истеъмол қилиш кўпаяди.

Озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмол қилишнинг қандай кўпайишини қуйидаги маълумотлардан кўриш мумкин: (ҳар бир кишига йилига кг ҳисобида)

	1965 йил	1970 йил,	1975 йил план
Гўшт ва гўшт маҳсулотлари	41	48	59
Сут ва сут маҳсулотлари	251	307	340
Балиқ ва балиқ маҳсулотлари	12,6	15,4	22
Ҳар хил мевалар	28	35	50
Сабзавот ва полиз маҳсулотлари	72	82	109
Тухум (дона)	124	159	192
Қанд-шакар	34	39	43

Аҳолига енгил саноатнинг энг муҳим молларини сотиш анча кўпайтирилади

Ҳар бир кишига ўрта ҳисобда қуйидагилар сотилади:

	1965 йил	1970 йил	1975 йил.
Газламалар—квадрат метр	26,5	30,4	35
Трикотаж—дона	4,1	5,8	7,6
Чарм пойафзал—жуфт	2,4	3,0	3,6

Маданий-маиший ва рўзғор молларини сотиш икки баравар кўпаяди. Беш йиллик мобайнида аҳолига 2 миллион 600 мингта енгил автомобиль сотиш мўлжалланмоқда

Яқинда КПСС Марказий Комитети билан Министрлар Совети оммавий истеъмол моллари ишлаб чиқаришни янада кўпайтиришни таъминлаш чоралари тўғрисида қарор қабул қилдилар. Шу қарорда министрлик ва идораларга оммавий истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш юзасидан министрликлар ва идоралар учун топшириқлар белгилаб берилган.

Халқ истеъмоли молларининг сифатини анча яхшилашга алоҳида эътибор берилмоқда. Хозирги замон модаси ва фасонидаги хилма-хил моллар магазинларда ҳамиша бўлиши лозим.

Савдо ташкилотлари ва ишлаб чиқарувчи корхоналар юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун кесиш чоралар кўрмайдиган бўлсалар улар маҳсулотни сотишда жиддий кийинчиликларга дуч келиб қоладилар. Аҳоли учун ишлаб чиқарилаётган товарларнинг сифати учун корхоналарнинг, министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари шахсан жавобгар эканликларини эслатиб кўйиш зарур.

Аҳолига маиший хизмат кўрсатишни ривожлантириш ва такомиллаштириш халқ фаровонлигига тобора кўпроқ таъсир килаверади. Беш йиллик мобайнида умумий мамлакатда кўрсатиладиган маиший хизмат ҳажми тахминан икки баравар, кишлоқ жойларда эса, салкам 3 баравар кўпаяди Кирхоналар, кийим-бошни химиявий тозалаш фабрикалари, ателъелар билан бир каторда хизмат кўрсатишнинг бошка турлари, масалан, квартираларни ремонт килиш, кийим-бош, пойафзал, рўзгор машиналарни ремонт килиш корхоналари тармоги хам ривожлантирилади.

Уй-жой, коммунал қурилиш ғоят ривож топади. Беш йил ичида жаъми сахни 580 миллион квадрат метр уй-жой бинолари курилади. Шахар ва кишлокларни янада анча ободонлаштириш кўзда тутилган. Шаҳарларнинг бош планларини ишлаб чиқиш ишини тубдан яхшилаш учун, қулай ва пинам квартиралар куриш учун иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари, маҳаллий хокимият органлари, шунингдек, Госстрой ва жойларди архитектура бошкармалари органлари системасига катта масъулият юклатилган. Шаҳар курувчилар барпо этадиган бинолар ва иншоотларнинг архитектураси давримизнинг улугворлигини ўзида акс эттирадиган бўлсин.

Кишлок жойлардаги хонадонларни газ билан таъминлаш соҳасида катта ишларни қилиш кўзда тутилган. Шаҳарларда салкам 1300 километр трамвай йўли, 3 минг километргача троллейбус линияси ва салкам 70 километр метрополитен линияси қурилади.

Меҳнаткашларнинг соғлиғини сақлашга, физкультура ва спортни ривожлантиришга катта эътибор берилган. Касалхоналар, клиникалар, амбулаториялар, санаторийлар, дам олиш уйлари, туристик базалар ва мехмонхоналар қуриш анча кенгайтирилади. Медицина саноати янада ривожланади, даволаш муассасаларини энг янги аппаратлар билан таъминлаш, дори-дармон билан таъминлашни яхшилаш кўзда тутилган. Маҳаллий Советлар шаҳар ва кишлокларнинг санитария холатини яхшилаш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилишлари керак.

Коммунистик партия билан Совет ҳукумати **халқнинг маданий савиясини ошириш**га, совет кишиларини ғоявий тарбиялашга ва уларнинг ўсиб бораётган маънавий эҳтиёжларини қондиришга жуда катта аҳамият бермоқдалар.

Халқ хўжалиги техникавий ва иқтисодий жиҳатдан саводли, билимдон, малакали ишчиларни йил сайин тобора кўпроқ талаб килмоқда. Беш йиллик мобайнида ҳунар-техника билим юртлари 9 миллион малакали ишчи тайёрлайди. Ёшлар айни вақтда ҳунар ўрганиб умумий ўрта маълумот ҳам оладиган билим юртлари жуда тез ривожлантирилади. Ишлаб чиқаришда ҳам кадрларнинг малакаси ошириб борилади.

Айниқса фан ва техниканинг янги соҳалари бўйича олий ва ўрта махсус таълимни янада кенгайтириш мўлжалланмоқда.

Китоблар, газеталар, журналларнинг тиражлари кўпайтирилади. Алоқа, радио эшиттириш ва телевидение янада ривож топади. Театрлар, кинотеатрлар, киноустановкалар, клублар ва кутубхоналар кўпайтирилади ва кенгайтирилади.

Тўқкизинчи беш йилликнинг баён этилган ва КПСС XXIV съезди маъқуллаган социал программаси — социализм даврида ижтимоий ишлаб чиқаришнинг олий мақсадларига, халқ хўжалигини янада ривожлантириш эҳтиёжларига, экономикамизнинг янги имкониятларига тўлатўкис мос бўлиб тушади. Бу программа меҳнат самаралари бутун жамиятнинг мулки қилиб қўйилган мамлакатда халқ фаровонлигини ошириш учун накадар кўп иш қилиш мумкинлигини кўрсатиб турибди.

IV. ТЎҚҚИЗИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАННИ БАЖАРИШГА ДОИР ИҚТИСОДИЙ ВА ТАШКИЛИЙ ТАДБИРЛАР

Совет экономикасини ривожлантиришнинг ҳозирги босқичи, ишлаб чиқариш кўлами қудратли равишда кенгайганлиги, ишлаб чиқариш интенсивлашганлиги хўжалиққа раҳбарлик савиясини оширишни талаб қилади. Халқ фаровонлигини ошириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш соҳасидаги топшириқларни бажариш тўғрисида ғамхўрлик қилиш бутун иқтисодий ва ташкилий ишларнинг марказида туриши лозим.

(Давоми 4-бетда).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ УЧИНЧИ СЕССИЯСИ

СССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1971—1975 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАНИ ТЎҒРИСИДА ВА СССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1972 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ПЛАНИ ҲАҚИДА

(Давоми. Боши 2, 3- бетларда).

Йиллар бўйича тузилган тўқкизинчи беш йиллик план хўжаликни бошқарувчи барча органларнинг, юқоридан пастгача бўлган ҳамма органларнинг иш савиясини ошириш учун, планларнинг янада стабилроқ бўлишини таъминлаш учун, узоқ муддат амал қиладиган техникавий-иқтисодий прогрессив нормативларни жорий қилиш учун зарур шарт-шароитларни яратиб беради. Ана шундай нормативлар негизида иқтисодий рағбатлантириш фондлари ташкил қилинади.

Бу эса хўжалик органларига яхши истиқбол очиб беради. Улар хўжалик қарорларининг турли вариантларини шу кунги самара позициясидан турибгина эмас, шу билан бирга узоқ истиқболга асосланиб ҳам баҳолай оладиган, ўзларининг куч-ғайратларини ишлаб чиқариш техникаси ва технологиясини такомиллаштириш соҳасидаги йирик тадбирларни амалга оширишга собит қадамлик билан йўналтира оладиган бўладилар.

Беш йиллик план — давлат планларининг асосий формасидир. Йилма-йил тақсимланиб тузилган беш йиллик план йиллик планларга бўлган эътиборни сусайтириш мумкин, деган маънони асло англатмайди. Экономика йиллик планларсиз планли равишда ишлаши мумкин эмас. Йиллик планларда янги техник ва технологик проблемалар муваффақиятли равишда ҳал этилиши натижасида пайдо бўладиган ижтимоий эҳтиёжлар ва ишлаб чиқаришни ўстириш имкониятлари ҳисобга олиниши лозим.

Тўқкизинчи беш йиллик планда ўртага қўйилган катта ва мураккаб вазифалар хўжаликни бошқарувчи ҳамма бўғинларни тинимсиз такомиллаштиришни талаб қилади, корхоналарнинг коллективлари ва хўжалик ташкилотларини оптимал планлар ва топшириқлар олишга, техника тараққиёти учун, маҳсулот сифатини ошириш учун янада ғайрат билан курашишга қизиқтирадиган иқтисодий ва ташкилий тадбирлар системасини амалга оширишни, иқтисодий шарт-шароитлар яратиб беришни талаб қилади.

Меҳнат унумдорлигини оширишни таъминлаш — беш йилликни бажаришнинг энг асосий шартидир. Шуни эслатиб ўтмоқчиманки, тўқкизинчи беш йилликда меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига 32 миллион ходимнинг меҳнати тежаб қолиниши керак. Саноатда маҳсулотни кўпайтиришнинг 87 процентига, қурилишда бажариладиган ишларни кўпайтиришнинг 95 процентига меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан эришиш лозим; ишлаб турган саноат корхоналарида, темир йўл транспортида ва қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқариш ва етиштиришни кўпайтиришнинг ҳамма ишига ходимлар сонини кўпайтирмай туриб эришиш керак. Беш йиллик планда кўзда тутилган конкрет тадбирлар меҳнат унумдорлигини оширишнинг белгиланган миқдорини таъминлаши керак. Бу тадбирлар аввало фан ва техникани ривожлантиришдан, фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этишдан иборат.

Ҳамма тармоқларда меҳнатни ташкил этишни яхшилаш йўли билан меҳнат унумдорлигини оширишнинг катта резервлари вужудга келтириши мумкин. Лекин кўпгина хўжалик раҳбарлари бу проблемага лозим даражада эътибор бермаётганликларини айтиб ўтиш керак.

Меҳнат унумдорлигининг оширилиши ҳар қандай бекор туришларни ва иш вақтининг нобуд бўлишини тугатишни, ишчи кучларидан фойдаланишни яхшилашни, меҳнат интизомини мустаҳкамлашни талаб қилади. Беш йиллик планда ишчи ва хизматчилар меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш юзасидан катта тадбирлар кўзда тутилган, бу эса ишлаб чиқариш коллективларининг стабиллигига, меҳнат унумдорлигини оширишга ёрдам бериши шубҳасиз.

Меҳнат интизомини мустаҳкамлаш учун қураш хўжалик раҳбарлари ва жамоат ташкилотларининг бевосита бурчидир. Тарбиявий иш олиб борилмаётган ва интизомни бузувчиларга қарши лозим даражада кураш олиб борилмаётган жойларда масъулиятсизлик вазияти вужудга келади, бу эса халқ хўжалигига зарар етказади. Ишчиларнинг кўпгина йиғилишларида интизомни бузувчиларга ишлаб чиқаришни ишдан чиқарувчилар деб қаралсин, ҳалол меҳнатчилар фойдаланадиган имтиёзлар ва афзалликлар уларга берилмасин, деган талаблар айтилмоқда. Бу — адолатли талаб. Беш йиллик план топшириқларининг яхшироқ бажарилиши манфаатларини кўзлаб моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг ҳамма формаларидан омилкорлик билан фойдаланиш ва уларни бир-бирига тўғри қўшиб олиб бориш зарур.

Меҳнат унумдорлигини юксак суръатлар билан оширишга эришмоқ учун иш ҳаки соҳасида партия ишлаб чиққан сиёсатни изчиллик билан ўтказиш, техникавий жиҳатдан асосланган нормаларни жорий қилиш лозим.

Иш ҳақи минимумини, ўртача ҳақ оладиган ишчи ва хизматчиларнинг ставкалари ва окладларини ошириш тариф системасининг ролини кўтаришга, ходимларнинг меҳнат унумдорлигини ўстиришдан манфаатдорлигини кучайтириш имконини беради. Янги тариф ставкалари ва окладларини жорий этиш вақтида малакали ишчилар, конструкторлар, инженерлар, технологлар, техниклар, агрономлар ва бошқа мутахассислар учун ана шундай ставка ва окладларни кўпайтиришнинг бир мунча юқори процентга белгиланади, чунки техника тараққиётини жадаллаштириш ана шу кишиларнинг ишига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Ўз-ўзидан равшанки, меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги шартларини механик тарзда жорий қилиб бўлмайди. Бундан аввал меҳнатни қа ишлаб чиқаришни ташкил этишни яхшилаш, иш вақтининг нобуд бўлишини тугатиш, бир маромда ишлашни таъминлаш соҳасида жиддий тайёргарлик олиб борилиши керак. Шу асосда меҳнатни нормалаш ишини анча яхшилаш зарур, ваҳоланки кўпгина корхоналарда бу иш қониқарсиз олиб борилмоқда.

Рағбатлантириш фондларини текшириш билан тақсимлаш тенденцияларига мутлақо йўл қўймаслик керак. Бу фондлар асосан меҳнат унумдорлигини оширишни, янги техникани жорий этишни, маҳсулот сифатини оширишни рағбатлантириш мақсадида ишлатилиши лозим. шунинг учун ҳам бу фондлардан аввало ана шу соҳаларда аниқ бир мақсадни кўзлаб фойдаланиш керак. Колхозларда меҳнатга тўланадиган ҳақ ҳам қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришидаги меҳнат унумдорлигини оширишга ёрдам бериши лозим. Ўтган беш йилликда кўпчилик колхозлар колхозчилар меҳнатига ҳар ойда пул билан гарантияланган ҳақ тўлашга ўтди. Бу системадан ижтимоий ишлаб чиқаришни кўпайтириш, меҳнат унумдорлигини ўстириш, қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ва чорачилик маҳсулдорлигини ошириш, колхозларнинг ишлаб чиқариш воситаларини яхшироқ ишлатиш учун тўлиқроқ фойдаланиш зарур.

Беш йилликнинг меҳнат унумдорлиги соҳасидаги топшириқларини бажариш учун хўжалик раҳбарлигининг ҳамма бўғинларида катта ташкилотчилик иши олиб бориш керак бўлади. Бу топшириқларни ўзи бўларчилик билан, бу ишга ижодий ёндошмай туриб, корхоналарнинг резервларини сафарбар қилмай туриб бажариб бўлмайди. Министрликлар, идоралар, бирлашмалар, корхоналар ва колхозлар беш йиллик планнинг меҳнат унумдорлиги соҳасидаги топшириқларини бажарилишини таъминлайдиган конкрет тадбирлар системасини ишлаб чиқишлари зарур. Янги ғоят серунум техникани жорий этиш, ишлаб турган корхоналардаги машина-ускуналарни модернизация қилиш ва янгилаш, ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаш, автоматлаштириш ва ихтисослаштириш, технологияни такомиллаштириш, меҳнатни ташкил этишни яхшилаш ана шундай тадбирлар системасининг мазмуни бўлиши керак.

Халқ хўжалигидаги ҳамма моддий ресурслардан фойдаланишни яхшилаш маблағларни беш йиллик планни бажаришга сафарбар қилишнинг муҳим манбаидир. Ҳозирги вақтда кўп корхоналарда ресурслардан хўжасизларча фойдаланиш фактлари содир бўлмоқда. Материаллар, ёқилғи, энергия сарфининг амалдаги кўп нормалари ошириб белгиланган.

Фан-техниканинг ҳозирги ютуқлари моддий ресурсларни тежашга хизмат қилдирилиши керак. Машиналарнинг янги прогрессив конструкциялари, технология жараёнлари, зарур хусусиятларга эга бўлган материаллар, яхши сифатли ҳомашё—ана шуларнинг ҳаммаси материаллар, ёқилғи, ҳомашё сарфини қисқартириш имконини беради.

Асосий фондлардан фойдаланишни яхшилаш — катта аҳамиятга эга бўлган вазифадир. Тўқкизинчи беш йилликда ишлаб турган корхоналарнинг қувватларидан тўлиқ фойдаланиш ҳисобига 5 миллион тоннадан ортиқ пўлат, 8,5 миллион тоннага яқин ўғит, 1,8 миллион тонна цемент, 30 миллион жуфтдан ортиқ пойафзал ва бошқа кўп миқдордаги маҳсулот олиш белгилаб қўйилди. Лекин айрим министрликлар фондларнинг самарадорлигини ошириш юзасидан зарур тадбирларни ҳали ҳам амалга оширганлари йўқ. Беш йилликни бажариш жараёнида СССР министрликлари, идоралари ва иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари ишлаб турган корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш учун имкони бўлган ҳамма ишларни қилишлари лозим.

Корхоналардаги янги ишлаб чиқариш қувватлари кўп ҳолларда узоқ вақт ичида ўзлаштирилмоқда. Бу — қониқарсиз ишлашнинг, техникадан яхши самара олабилмасликнинг натижасидир. Янги ишлаб чиқариш майдонларидан узоқ вақттача фойдаланмаслик фактларига мутлақо тоқат қилиб бўлмайди.

КПСС XXIV съездида корхоналарнинг, айниқса машинасозлик корхоналарининг **иш сметаларини** ошириш зарурлиги таъкидланди. Беш йиллик планда машина-ускуналарнинг иш вақтини кўпайтириш кўзда тутилган, шу йўл билан камроқ капитал маблағ сарфлаб кўпроқ маҳсулот олиш мумкин бўлади. Министрликлар ва идоралар машина-ускуналарни сменаларда ишлатишнинг планда кўзда тутилган миқдорда кўпайтирилишини таъминлашлари лозим.

Фан ва техника ютуқларини тезрок жорий қилиш учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш — хўжалик бошқарувчи органларнинг энг муҳим вазифаларидан биридир. КПСС Марказий Комитети билан ҳукумат шу соҳада бир қанча тадбирларни кўрдилар. Саноат ва қурилишнинг турли тармоқлари ўртасидаги фан-техника ва ишлаб чиқариш ютуқларини ўзаро айирбошлаш кенгайтирилмоқда ва яхшиланмоқда. Янги техникани ўзлаштириш фондларининг маблағлари анча кўпайтирилмоқда, шу маблағлардан фойдаланиш соҳалари кенгайтирилмоқда. Материалларни тақсимлаш балансларида ва планларида машина-ускуналар ва материалларнинг корхоналарда мавжуд бўлган ишлаб чиқаришни ривожлантириш фондларидан фойдаланиш учун зарур бўлган резерви кўзда тутилган.

Рағбатлантириш фондлари ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида янги, анча мукаммал ва самарали маҳсулотнинг салмогини ҳисобга олиб белгиланадиган бўлади. Бу эса замонавий техникани ишлаб чиқарувчи ходимларни рағбатлантиришни кўпайтиришга имкон беради.

Нархнинг тўғри системаси фан-техника тараққиётини рағбатлантиришда катта роль ўйнаши керак. Бу система янги маҳсулотни кенг жорий этишга ёрдам беради ҳамда қурилишнинг сметадаги қимматини ва ишлаб чиқариш чиқимларини камайтиришни таъминлайди.

Шу беш йилликда амалдаги улгуржи нархлар қайта қараб чиқилади. Машинасозлик маҳсулоти асосий турларининг улгуржи нархларини 10-12 процент, электроника, приборсозлик, радиотехника, электртехника маҳсулотларининг улгуржи нархларини эса бундан ҳам кўпроқ миқдорда камайтириш назарда тутилади. Ишлаб чиқаришда энг мукаммал техниканинг кенг қўламда қўлланилишини таъминлашни кўзда тутиб, маҳсулотнинг айрим турлари нархларининг нисбати тартибга солинади.

Чакана нархларга келганда, КПСС XXIV съезди Директиваларида белгиланганидек беш йиллик мобайнида бу нархларнинг стабиллиги, товар ресурсларининг тўпланишига қараб, молларнинг айрим турлари нархларини пасайтириш кўзда тутилади. Нарх комитети ва унинг жойлардаги органлари айниқса маҳсулотнинг янги турлари нархининг тўғри белгиланиши устидан контролликни кучайтиришлари, давлат нарх интизомининг бузилишига йўл қўймасликлари лозим.

Халқнинг турмуш даражасини ошириш, саноатни, қишлоқ хўжалигини ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантириш юзасидан беш йиллик планда кўзда тутилган тадбирларнинг амалга оширилиши жуда қатта молия ресурсларини талаб қилади. Давлатнинг бюджет ҳисобига ҳам. хўжаликларнинг маблағлари ҳисобига ҳам қиладиган ҳаражатлари беш йил мобайнида салкам бир ярим баравар кўпаяди ва 1975 йилда 360 миллиард сўмга етади.

Социалистик хўжалик жамғармалари шу беш йилликда давлат қиладиган ҳаражатларни пул билан таъминлашнинг асосий манбаи бўлади. Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш даромадларни кўпайтиришнинг асосий омилидир. Шу сабабли хўжалик ташкилотлари олдига жамғарма тўпланишинг ҳамма манбаларини сафарбар қилиш, давлат маблағларини тежаб-тергаб сарфлаш,ҳар соҳада тежамли бўлиш вазифаси қўйилмоқда. Иқтисодий тежаш-социалистик ишлаб чиқаришнинг юксак самарадорлиги учун муваффақиятли кураш олиб боришнинг мажбурий шартидир. Министрликлар, идоралар ва корхоналар ишлаб чиқаришнинг рентабиллигини ўстиришни таъминлашлари, ресурслардан омилкорлик билан фойдаланишлари лозим. Хўжалик раҳбарларининг корхоналар ишидаги молиявий натижалар учун бўлган масъулиятини ошириш лозим. Ҳамма бирлашмалар ва корхоналар фойда планини бекаму-кўст бажаришлари керак.

Шу беш йилликда молдий ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларида хўжалик ҳисобидаги ҳамма корхоналар ва ташкилотларни планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги методига ўтказишни тугаллаш лозим. Ҳамма совхозлар батамом тўла хўжалик ҳисобига ўтказилади; хўжалик ташкилотлари заказчилар билан тўла-тўкис битказилган объектлар учун ҳисоб-китоб қилишга ўтадилар. Иқтисодий ислоҳатни янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш унинг фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга, меҳнат унумдорлигини ва маҳсулот сифатини оширишга ўтказадиган таъсирини кучайтиради.

Саноатда янги бирлашмалар тузиш ва **ишлаб турган бирлашмаларни ривожлантириш**, қишлоқ хўжалигида эса, ишлаб чиқаришни кооперациялашни янада кенгайтириш, аграр-саноат корхоналари ва бирлашмаларини барпо этиш бошқарувнинг ташкилий структурасини янада такомиллаштиришнинг муҳим тадбири бўлади. Ишлаб чиқаришни янада йириклаштириш ҳамда бошқарувнинг янада самарали ва содда тармоқларини, бирлашмаларни ва корхоналарни планлаштиришнинг хўжалик ҳисобидаги асосий звеносига айлантиришга олиб боради.

Бошқарувнинг 2-3 звеноли системасига ўтиш давом эттирилади. Министрликлар билан идоралар раҳбарликнинг иқтисодий методларини ривожлантиришлари, бошқарувнинг замонавий ташкилий техникасидан фойдаланишни кенгайтиришлари ва яхшилашлари, бошқарув аппаратини соддалаштиришлари ва арзонлаштиришлари лозим. Беш йиллик планда системасига ўтиш бирлашмаларни ижтимоий ишлаб чиқариш ҳамда бошқаришнинг 1600 дан ортиқ автоматик системасини вужудга келтириб, жорий этиш, бу системаларда электрон ҳисоблаш техникаси базасида иқтисодий-математик методларни қўлланиш кўзда тутилган.

Иқтисодий раҳбатлантириш фондлари бирлашмалар ва корхоналар хўжалик ҳисобидаги фаолиятининг энг муҳим иқтисодий асосларидан биридир. Халқ хўжалиги тармоқларидаги фойдадан шу фондларга ажратмалар миқдорини беш йил мобайнида 1,7 баравар кўпайтириш кўзда тутилган. Касаба союзларига катта ҳуқуқлар бериб қўйилганлиги меҳнаткашларни рағбатлантириш фондларини вужудга келтириш ва шу фондлардан тўғри фойдаланиш устидан контроллик қилишини таъминлайди.

Министрликлар, идоралар ва иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари ҳар бир корхона, қурилиш ва ташкилот бўйича беш йиллик йилларига тақсимлаб қўйилган беш йиллик планларни шу жумладан иқтисодий нормативларни қисқа муддат ичида тасдиқлашлари лозим Бу жуда муҳим иш бўлиб, у энг қисқа муддатда тугалланиши керак.

Бизнинг экономикамиз турли тармоқлар ва ишлаб чиқаришларнинг мураккаб комплексидан иборат. Тармоқлараро алоқаларни тўғри ташкил этиш халқ хўжалигини муваффақиятли ривожлантиришнинг энг муҳим шартидир.

Тармоқлар ва корхоналар ўртасидаги ўзаро муносабатларда амал қилиниши лозим бўлган энг муҳим принцип — истеъмолчининг эҳтиёжлари тўғрисида, ижтимоий меҳнатни тежаш тўғрисида ғамхўрлик қилишдир.

Етказиб берувчи ташкилот ўзининг истеъмолчи билан ўзаро муносабатларида ўз идорасининг манфаатларига эмас. балки умумдавлат манфаатларига асосланиб иш тутиши, фақат ўз корхоналарида ҳаражатларни тежашдан манфаатдор бўлиб қолмасдан, истеъмолчининг ҳам тежашидан манфаатдор бўлиши лозим. Ишга ана шундай ёндошишгина экономикамизнинг социалистик принципларига мос келади. Бунинг маъноси шуки, етказиб берувчи ташкилот истеъмолчига ҳом ашё, материаллар ва чала тайёр маҳсулотларнинг қатъий белгилаб қўйилган турларини қайта ишлаш учун жуда яхши тайёрланган ҳолда етказиб бериши керак.

Айтайлик, металлурглар машинасозларга заказчининг талабларига тўла-тўкис мос келадиган ҳажмдаги, профил, сифатдаги прокатни етказиб бериши керак. Машинасозлар ҳам ўзлари ишлаб чиқараётган машиналарни запас қисмлар, алмаштириладиган узеллар, деталлар билан таъминлашлари ва гарантияланган муддатда ремонт қилиб беришлари лозим. Егочсозлик саноати тахтани истеъмолчиларга қуритиб, зарур бўлган турларда ва ҳажмда етказиб бериши, қурилишларни эса бенуқсон тайёрланган, зарур даражада пардоз қилинган конструкциялар ва бинокорлик материаллари билан таъминлаши керак. Бу ерда бошқа мисоллар ҳам келтириб ўтиш мумкин эди.

Биз тармоқлараро алоқаларни яхшилаш учун ҳали кўп иш қилишимиз зарур. Қайта ишлаш учун унчалик яхши тайёрланмаган материаллар ва хом ашё етказиб берилаётганлиги сабабли халқ хўжалиги кўп миқдордаги моддий ресурслардан маҳрум бўлмоқда ва ортиқча меҳнат сарфига йўл қўймоқда. Кўпгина корхоналар материалларни лозим бўлган кондицияга етказиб олиш учун ёки запас қисмлар, металл буюмлар ва инструментлар тайёрлаш учун ўзлари махсус устахоналар ва ҳатто йирик цехлар ташкил қилишга мажбур бўлмоқдалар.

План органлари ва министрликлар шу вақтга қадар юқоридан пастга: Госплан-министрлик-корхоналар бўйича планлаштиришга асосий эътибор бериб келмоқдалар. Горизонтал бўйича планлаштириши, яъни тармоқлар ва корхоналар ўртасидаги рационал технологик алоқаларни вужудга келтиришни яхшилаш лозим.

Технологик жиҳатдан яхши тайёрланган маҳсулотни ишлаб чиқариш учун айрим корхоналарда қўшимча ҳаражат қилишга тўғри келади. Бундай ҳаражатдан қочмаслик керак. Айрим ҳолларда хом ашё ва материалларни истеъмолчининг ўзи қайта ишлашини ташкил қилиш иқтисодий жиҳатдан фойдалироқ бўлиб чиқиши мумкин. Бу вазифа ижтимоий ҳаражатларни тежаш нуқтаи назаридан ҳал этилиши, уни ҳал этишда асосланган ҳисоб-китобларга таяниб иш кўрилиши керак. Пировард натижада халқ хўжалиги кўп миқдорда хом ашёни, меҳнат сарфларини, юк ташиш маблағларини тежаб қоладиган бўлсин, машина-ускуналардан самаралироқ фойдаланиладиган бўлсин.

Истеъмолчилар ҳам етказиб берилаётган маҳсулотнинг сифатига талабчанликни оширишлари керак. Истеъмолчиларнинг оқилона талабларини етказиб берувчилар ҳеч сўзсиз бажаришлари керак. Бу ишда Госснаб ва унинг жойлардаги органлари катта роль ўйнаши керак. Улар аввало истеъмолчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилишлари лозим. Бу — умумдавлат аҳамиятига эга бўлган ишдир. Етказиб берувчилар билан истеъмолчилар ўртасида энг рационал доимий алоқалар ўрнатишни яқин вақт ичида тугаллаш зарур. Бу алоқалар хўжалик шартномалари билан мустаҳкамланиши керак. Беш йиллик планини йилма-йил тақсимлаб қўйиш бунинг учун яхши шароит яратиб беради.

Беш йиллик планда белгиланган катта ва мураккаб вазифаларнинг бажарилиши **давлат интизомини қатъиян яхшилашни, хўжалик бошқарувининг ҳамма бўғинларида масъулиятни оширишни** талаб қилади. Беш йиллик планни ва унинг йиллик топшириқларини ҳамма кўрсаткичлар бўйича бажариш — министрликлар, бирлашмалар, корхоналар фаолиятига баҳо беришнинг энг асосий мезони бўлиб қолиши лозим. Бунда гап, аввало план топшириқларини ва кооперация усулида маҳсулот етказиб бериш мажбуриятларини бажариш учун, планларни маҳсулотнинг бутун номенклатураси бўйича бажариш учун давлат олдидаги масъулият устида, маҳсулотнинг сифати учун истеъмолчи олдидаги, ишлаб чиқаришни юксак меҳнат унумдорлигини таъминлайдиган қилиб ташкил этиш учун ўз коллективи олдидаги масъулият устида бораётир. План топшириқлари ва шартномадаги мажбуриятларни бажармаган тақдирда ҳеч сўзсиз иқтисодий ва маъмурий чоралар кўрилиши лозим. План ва шартнома интизомини мустаҳкамлашда давлат арбитражи органларининг роли тўла-тўкис намоён бўлиши керак, лекин бу органлар ўзларига бериб қўйилган ҳуқуқлардан етарли равишда фойдаланмаётирлар.

Коммунистик партия билан Совет давлати хўжалик раҳбар кадрларини юксак қадрлайдилар, уларга ишонч ва зўр ҳурмат билан қарайдилар. Лекин ишонч ҳамиша юксак талабчанлик билан қўшиб олиб борилиши лозим.

Партия Марказий Комитетининг кеча ўз ишини тамомлаган Пленумида, ўртоқ Л. И. Брежнев нутқида халқ хўжалиги тармоқларига раҳбарлик қилиш соҳасидаги камчиликлар учун баъзи министрликлар кескин ва ҳаққоний танқид қилинди. Фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилишдаги сусткашлик, корхоналарни техника билан қайта қуроллантириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш унинг йиллик топшириқларини ҳамма кўрсаткичлар бўйича бажариш — министрликлар, бирлашмалар, корхоналар фаолиятига баҳо беришнинг энг асосий мезони бўлиб қолиши лозим. Бунда гап, аввало план топшириқларини ва кооперация усулида маҳсулот етказиб бериш мажбуриятларини бажариш учун, планларни маҳсулотнинг бутун номенклатураси бўйича бажариш учун давлат олдидаги масъулият устида, маҳсулотнинг сифати учун истеъмолчи олдидаги, ишлаб чиқаришни юксак меҳнат унумдорлигини таъминлайдиган қилиб ташкил этиш учун ўз коллективи олдидаги масъулият устида бораётир. План топшириқлари ва шартномадаги мажбуриятларни бажармаган тақдирда ҳеч сўзсиз иқтисодий ва маъмурий чоралар кўрилиши лозим. План ва шартнома интизомини мустаҳкамлашда давлат арбитражи органларининг роли тўла-тўкис намоён бўлиши керак, лекин бу органлар ўзларига бериб қўйилган ҳуқуқлардан етарли равишда фойдаланмаётирлар.

Коммунистик партия билан Совет давлати хўжалик раҳбар кадрларини юксак қадрлайдилар, уларга ишонч ва зўр ҳурмат билан қарайдилар. Лекин ишонч ҳамиша юксак талабчанлик билан қўшиб олиб борилиши лозим.

Партия Марказий Комитетининг кеча ўз ишини тамомлаган Пленумида, ўртоқ Л. И. Брежнев нутқида халқ хўжалиги тармоқларига раҳбарлик қилиш соҳасидаги камчиликлар учун баъзи министрликлар кескин ва ҳаққоний танқид қилинди. Фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилишдаги сусткашлик, корхоналарни техника билан қайта қуроллантириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш зарур.

Бошқарувнинг ҳар бир бўғинида қабул қилинаётган қарорларнинг иқтисодий ва техникавий жиҳатдан асосланган бўлиши учун, моддий воситалар ва меҳнат ресурсларидан тўғри фойдаланиш учун, давлат топшириқларини аниқ бажариш учун раҳбарларнинг шахсий масъулияти оширилиши керак.

Ҳали ҳам хўжасизлик, исрофгарчилик фактларига, ҳар хил ортиқча чиқимларга тез-тез дуч келинмоқда Планларнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларда қилинмаган ишларни қилинди деб кўрсатиш, тўла қуриб битказилмаган объектларни қабул қилиб олиш ҳоллари учраб турибди. Буни давлатни тўғридан-тўғри алдаш деб қараш лозим ва бунда айбдор бўлган кишилар қонундаги қаттиқ чоралар билан жавобгар қилиниши керак.

Капитал қурилиш планларини бажарилиши учун масъулиятни ошириш тўғрисида аниқроқ гапириб ўтиш керак. Қувватларни ишга тушириш планларининг ўз вақтида бажарилиши, смета қимматига риоя этилиши, меҳнат унумдорлигини ошириш, қурилишларни матерал-техника билан таъминлаш топшириқларининг бажарилиши учун министрликлардан, қурилишларнинг раҳбарларидан, материалларни етказиб берувчилардан қаттиқ жавоб талаб қилиш лозим.

Хўжалик раҳбарларининг, ҳар бир ходимнинг топширилган иш соҳаси учун масъулиятини ошириш **ижрони текшириш** ишини яхшилашни талаб қилади. Давлат интизомини мустаҳкамлаш — ҳамма бошқарувчи органлар ишининг спатини ошириш ва методларини яхшилашнинг мажбурий шартидир, тўқкизинчи беш йиллик планини муваффақиятли бажаришнинг гаровидир.

V. СССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1972 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ПЛАНИ ТЎҒРИСИДА

КПСС XXIV съезди қарордари туфайли мамлакатда умумхалқ снёсий активлиги ва меҳнат жўшқинлиги авж олиб кетди. 1971 йил 10 ойдаги ишларнинг дастлабки якунлари тўқкизинчи беш йиллиқнинг биринчи йили — 1971 йил планининг асосий топшириқлари бажарилишидан далолат бериб турибди.

Саноат йиллик пландан ташқари беш миллиард сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқаради. Донинг ялпи ҳосили тахминан 180 миллион тонна бўлди. Чорва ва парранда қарид қилиш плани ошириб бажарилади. Пахтадан мўл ҳосил етиштирилди. Бу—қишлоқ хўжалик меҳнатчиларининг катта муваффақиятидир. Капитал маблағ ҳажми ва асосий фондларни ишга тушириш кўпайди. Ҳамма турдаги транспортнинг юк оборoти топшириқлари ошириб бажарилди.

Аҳолининг реал даромадларини кўпайтириш юзасидан белгиланган топшириқлар бажарилади. Иш ҳақини ва пенсияларни ошириш соҳасида 1971йилда ўтказилган янги тадбирларнинг ўзидан 19 миллион киши баҳраманд бўлди.

Беш йилликнинг биринчи йилида совет экономикасини ривожлантириш якунлари халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида беш йилликнинг иккинчи йилида янада муваффақиятлироқ ишлаш учун яхши замин яратади.

Шу билан бирга 1971 йилги хўжалик фаолиятида катта нуқсонларга йўл қўйилди. III кварталда саноат ишлаб чиқаришини ўстириш суръатларнинг бир мунча пасайганлиги сезилди. Ишлаб чиқариш қувватларини ишга туширши, бир қанча тармоқларда эса янги техникани яратиш ва жорий этиш плани бажарилмай қолди. Айрим халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш топшириқлари ҳам бажарилмаётир. Товар оборотининг умумий ҳажми юзасидан белгиланган план бажарилгани ҳолда айрим молларга бўлган эҳтиёж ҳали ҳам қондирилмаётир.

Беш йиллик планга доир материаллар билан бирга сизларга 1972 йилги халқ хўжалик планининг муфассал кўрсаткичлари ҳам тарқатилган. Бу кўрсаткичлар ҳам КПСС XXIV съезди Директиваларига тўла-тўкис мос келади.

1972 йил плани беш йиллик планининг таркибий қисми бўлиб, бундаги топшириқларнинг бажарилиши бутун беш йилликни муваффақиятли бажарилишига катта замин яратади.

1972 йил учун халқ хўжалигини ривожлантиришнинг қуйидаги асосий кўрсаткичлари кўзда тутилган:

1972 йилда 1971 йилдагига (бажарилиши кутилаётган) нисбатан ўсиш проценти

Миллий даромад	6,2
Саноат маҳсулоти	6,9
шу жумладан:	
«А» группаси	6,8
«Б» группаси	7,1
Ҳамма турдаги транспортнинг юк обороти	5
Капитал маблағларнинг умумий ҳажми	5,7
Саноатда меҳнат унумдорлиги	6,1
Чакана товар обороти	7,7
Аҳоли жон бошига реал даромадлар	5,2

Шуни назарда тутиш керакки, 1972 йилда иш кунлари миқдори 1971 йилдагидан 5 кун кам бўлади. Шуни ҳисобга олиб, 1972 йилда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмини 6,9 процент кўпайтирмоқ учун ўртача суткалик ишлаб чиқаришни каттароқ миқёсда — 7,9 процент кўпайтириш лозим бўлади. Ана шу хусусиятлар министрликлардан, бирлашмалар ва корхоналардан 1972 йилда ишлаб чиқаришни ривожлантиришга пухта ва атрофлича тайёргарлик кўришни талаб қилади. Шу йилнинг қолган вақти ичида иш даражасини анча оширишга эришиш зарур.

1972 йилги планда саноат ишлаб чиқариши структурасида катта силжишларни амалга ошириш белгиланмоқда. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарадиган саноат тармоқларини илдам суръатлар билан ривожлантириш кўзда тутилган. Қишлоқ хўжалигининг моддий техника базасини янада мустаҳкамлашга сарфланадиган ресурслар анча кўпайтирилади.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга 1972 йилда давлат маблағлари ва колхозларнинг маблағлари ҳисобидан сарфланадиган капитал маблағлар 22,9 миллиард сўм ҳажмида ҳаражат қилинади. Колхоз ва совхозларга 316 мингтадан кўпроқ трактор, 187 мингта юк автомобили, 2,8 миллиард сўмлик қишлоқ хўжалик машиналари етказиб берилади. Қишлоқ хўжалигига янги, янада серунум техника юборила бошлайди. 1972 йилда 53,5 миллион тонна минерал ўғит юборилади минерал ўғитларнинг сифати анча яхшиланади. Қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш ва ҳарид қилишни кўпайтириш мўлжалланмоқда.

Планда ҳамма турдаги транспортни жадал ривожлантиришни таъминлаш кўзда тутилган.

1972 йилда 92,5 миллиард сўм ҳажмида, яъни 1971 йилда кутилаётганидан 5,7 процент кўп капитал ишларни бажариш лозим.

Беш йилликнинг дастлабки икки йили ичида электр станцияларда салкам 25 миллион киловатт қувватга эга бўлган янги агрегатлар, 22 миллион тонна нефтни дастлабки тарзда қайта ишлайдиган, 39 миллион тонна кўмир қазиб чиқарадиган, салкам 6 миллион тонна прокат, 9,6 миллион тонна минерал ўғит, 550 минг тонна пластмасса, 45 миллион дона трикотаж, 42 миллион жуфт чарм пойафзал ишлаб чиқарадиган қувватлар ишга туширилиши лозим.

Келгуси йилда кўпгина янги йирик корхоналар ишга туширилиши керак. Улар орасида Норак ГЭСи, Углегорск ГРЭСи, Ново-Липецк металлургия заводидаги домна печи, Қараганда заводида кучли прокат стани, Белоцерковск шина комбинати, Донецк экскаватор заводи, Тернополь ип газлама комбинати, Пинск трикотаж комбинати ва бошқа кўпгина корхоналар бор.

Беш йилликнинг муваффақияти кўп жиҳатдан капитал қурилиш планларининг сўзсиз бажарилишига боғлиқ. Лекин бахтга қарши, кўпгина хўжалик ходимлари ана шу планларнинг, айниқса енгил саноат ва озиқ-овқат саноати корхоналари қуриш планларининг бажарилмаслигига муросасозлик билан қарайдиган бўлиб қолганлар. 1972 йилда қуриб битказиладиган ҳамма қурилишларни белгиланган муддатларда ишга тушириш — барча қурувчиларнинг шон-шараф ишидир.

Моддий ишлаб чиқариш ҳамма тармоқларини анча ривожлантириш асосида мамлакатнинг миллий даромади 1972 йилда 6,2 процент кўпаяди. Миллий даромадни ўстиришнинг тахминан 83 процентига меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан эришилмоғи керак. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадларни 5,2 процент кўпайтириш мўлжалланмоқда.

Тўқкизинчи беш йиллик вазифаларини баён қилиш вақтида айтиб ўтилганидек, 1972 йилда халқнинг турмуш даражасини янада ошириш ва аввало иш ҳақини кўпайтириш тадбирлари кўрилади.

Аҳолининг кўпайиб борадиган пул даромадларини таъминламоқ учун чакана товар

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ УЧИНЧИ СЕССИЯСИ

СССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1971—1975 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАНИ ТЎҒРИСИДА ВА СССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1972 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ПЛАНИ ҲАҚИДА

(Давоми. Боши 2, 3, 4-бетда)

VI. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР

Депутат ўртоқлар! Партия Марказий Комитетининг Пленуми КПСС ва Совет давлатининг халқаро фаолияти масалаларини қараб чиқди. КПСС XXIV съезднинг ташқи сиёсий йўлини амалга ошириш борасида Марказий Комитет бир мақсадни кўзлаб актив иш олиб борганлигини Пленум якдиллик билан маъқуллади. Бу ҳаммага маълумки, империализмнинг агрессив сиёсатига қарши, тинчлик, халқлар хавфсизлиги ва социал тараққиёт учун олиб борилган кураш йўлидир.

КПСС Марказий Комитетининг Пленумида қайд қилиб ўтилганидек, совет ташқи сиёсатининг асосий кучи шундаки, у бутун халқнинг мададига ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, зиёлиларимизнинг юксак сиёсий активлиги ва меҳнат ғайратига таянади.

Барча беш йилликлар йиллари давомида Совет халқининг меҳнатдаги шижоати янги ижтимоий тузумнинг буюк афзалликларини, марксизм-ленинизм ғояларининг ҳақлигини, шонли Коммунистик партиямиз ишининг енгилмаслигини кўрсатувчи энг яққол жаҳоншумул тарихий далил бўлиб қолди. **(Давомли қарсаклар).**

Капитализм дунёси бу шижоатга бирор далилни карама-қарши қилиб қўя оладими? Йўқ, қўя олмайди. Бу бир-бирига қарама-қарши икки социал-иқтисодий системаларнинг жаҳонда яшаб келаётган бутун даври учун тааллуқлидир.

Жаҳон капиталистик хўжалигида асосий империалистик мамлакатларда ишлаб чиқаришнинг ривожланиш суръатлари кейинги йилларда пасайиб кетганлиги қайд қилинди. Ишсизлик кўпайиб бораётганлиги, инфляция кучайиб бораётганлиги, бюджетдаги тенгсизликлар ошиб борганлиги, Ғарб валюта системаси инқизиси учраганлиги шу йиллар учун айниқса характерли бўлди. Капитализмнинг энг катта ва ривожланган мамлакати бўлган Америка Қўшма Штатларида саноат ишлаб чиқариши ўсишининг йиллик ўртача суръатлари олтмишинчи йилларда қариб икки баравар пасайиб кетди: 1961—1965 йиллардаги 5,7 процентдан 1966—1970 йилларда 3,2 процентга тушиб қолди. 1969 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб эса АҚШ экономикаси инқизиси ривожланиш палласига кирди. Шу йилнинг тўққиз ойи ичида саноат ишлаб чиқаришнинг ҳажми 1969 йилнинг шу давридаги даражанинг фақат 96 процентини ташкил қилди. Қайта ишловчи саноат, қора металлургия, транспорт ва умумий машинасозлик саноати ва бошқа шу каби тармоқларда ишлаб чиқариш даражаси тағин ҳам кўпроқ пасайиб кетди. Англияда саноат ишлаб чиқариши бир нуқтада туриб қолди. Халқаро валюта фондининг яқинда эълон қилинган докладида айтилганича жаҳон капиталистик экономикасининг 1970 йилдаги ва 1971 йилнинг биринчи ярмидаги ҳолати «бир қанча муҳим жиҳатлардан қараганда қониқарли даражадан ҳам пасайиб кетди». Иқтисодий ўсиш суръатлари «АҚШда асосан 1969—1970 йилларда иқтисодий активликнинг пасайиб кетганлиги ва сусайиб қолганлиги сабабли секинлик билан борди ва бир текисда бўлмади». Халқаро валюта фонди ана шундай қайд қилади. Ў капиталистик давлатлар иқтисодий ривожланишининг натижаларини ҳеч қачон камайтириб кўрсатмаган эди.

Асосий империалистик мамлакатларнинг монополиялари ўртасида рақобатли кураш жуда кескинлашганлиги Ғарбдаги иқтисодий аҳволнинг характерли белгиси бўлиб турибди. Ғарбдаги валюта системаси яъни халқаро резерв валюта сифатида доллардан фойдаланишга асосланган система даб-дала бўлганлиги натижасида мазкур монополиялар ўртасидаги рақобатчилик кураши янги кескин тус олди.

Капиталистик мамлакатларни ўз тирдобига олган валюта инқизидан қутилиш йўлларини топиш учун ҳозир зўр бериб ҳаракат қилинмоқда. Ҳукуматларнинг, халқаро молия доираларининг ва монополияларнинг вакиллари ўзаро келишиб олишга ва капиталистик хўжаликдаги халқаро ҳисоб-китобларнинг бузилган механизмини тартибга солишга уринмоқдалар. Лекин капитализм дунёсида ўзаро келишиш ниматаларга асосланиши яхши маълум. Капитализм дунёсида моддий неъматлари, таъсир доираларини, бозорларни ва бошқа нарсаларнинг ҳаммасини тақсимлаш чоғида капитал, куч асосий роль ўйнайди. Қайси империалистик давлат нечоғлик кучли бўлса капиталистик нози-неъматлар дастурхонида луқманинг кўпроқ қисмини, В. И. Ленин айтганидек, ана шу давлат даъво қилади.

Капиталистик дунёдаги иқтисодий муносабатлар чоғида кейинги йиллардаги воқеалар мана шуни кўрсатиб турибдики! Мана шу капиталистик дунёдаги энг асосий мамлакат аввал валюта бозорларини қадри кетиб колган доллар билан тўлдириб юбориб ўзини пул билан таъминлашга бошқа капиталистик мамлакатларни мажбур қилди, сўнгра эса четдан келтириладиган молларга қўшимча солиқ солиб шу мамлакатларни Америка бозорида камроқ қатнашишга мажбур қилди. Буни ғайри қонуний иш деб ўйлайдиганлар кўп. Лекин монополиялар ўртасидаги муносабатлар учун ҳам, капитал дунёсидаги давлатлар ўртасидаги муносабатлар учун ҳам бундан бошқача асос бўлган эмас ва бўлмайди ҳам.

Давлат-монополистик тартиб ўрнатиш йўли билан кризисни бартараф қилишга қаратилган уринишларига келганда тажриба шуни кўрсатиб турибдики, бу чоралар капитализмнинг объектив-қонунларини ўзгартира олмайди ва капитализмга хос иллатларни тузата олмайди.

Социализм мамлакатларининг иқтисодий ҳамкорлиги принципиал бошқача асосда ривожланмоқда. Социалистик ишлаб чиқариш усулига хос бўлган барқарорлик социалистик мамлакатларнинг давлатлараро иқтисодий муносабатларида ҳам намоён бўлмоқда. Улар ўртасида савдо-сотиқ муттасил кенгайиб бормоқда. Тўққизинчи беш йилликда Совет Иттифоқининг Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар билан товар оборoти 77 миллиард сўмдан ортди, яъни 1966—1970 йиллардаги савдо-сотиқнинг ҳажмига нисбатан бир ярим баравар кўпаяди. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар коллектив социалистик валюта сифатида алмаштириладиган сўмдан фойдаланиб, ўзларини капиталистик хўжалик учун тобора катта қийинчиликлар туғдираётган валюта инқизисининг ҳар хил таъсиридан маҳкам муҳофаза қилиб турибдилар.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг 1971 йил июль ойидаги XXV сессиясида қабул қилинган социалистик иқтисодий интеграциянинг комплекс программаси иқтисодий алоқаларни ва қардошларча ҳамкорликни янада ривожлантириш учун жуда катта аҳамиятга эга бўлади. Социалистик мамлакатлар коллектив куч ва ғайрат сарфлаб бу комплекс программани ишлаб чиқишга икки йилдан кўпроқ вақт кетказдилар. Социалистик мамлакатларнинг иқтисодий ҳамкорлигида сифат жиҳатидан янги босқични бошлаб берган мана шу муҳим ҳужжатга Совет Иттифоқи юксак даражада баҳо бермоқда. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар мана шу комплекс программага асосланиб энг катта халқ хўжалик программаларини биргаликда ҳал этмоқ учун бирлаштирилган илмий-техникавий ва ишлаб чиқариш ресурсларидан кенг фойдаланишга киришдилар. СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг тўқкизинчи беш йиллик плани социалистик интеграциялаш комплекс программасини амалга оширишда мамлакатимизнинг актив қатнашиши учун зарур моддий негизни яратмоқда, бу қатнашаётган барча социалистик мамлакатлар учун ва умуман ҳамкорлик учун фойдалидир.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг 1971—1975 йилларга мўлжалланган халқ хўжалик планларини координациялаш чоғидаёқ шу мамлакатларнинг интеграцион алоқаларини мустаҳкамламоқ учун катта аҳамиятга эга бўлган йириқ тадбирлар ишлаб чиқилди. Бундай тадбирлар узоқ муддатли савдо битимларидагина эмас, шу билан бирга навбатдаги беш йилликка мўлжалланган ички планларимизда ҳам ўз ифодасини топди. «Дўстлик» нефть қувури системасини кенгайтириш ҳамда социалистик мамлакатларга нефть ва газ юбориб туриш учун трубопроводлар қуриш, социалистик мамлакатларнинг атом энергияси соҳасидаги ҳамкорлиги Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши мамлакатларида айрим хом ашё молларини экспорт қилишни қўпайтирмоқ учун СССРда шу хом ашёларни ишлаб чиқарадиган қўшимча қувватлар вужудга келтириш тўғрисида битимлар тузилганлиги мана шу чоралар жумласига киради.

Комплекс программага мувофиқ шу беш йилликда энергетика базаси проблемаси сингари жуда муҳим программани ҳал этиш учун Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган манфаатдор мамлакатларнинг ресурсларини бирлаштиришга, қўшимча қувватлар вужудга келтиришда биринчи галда хом ашёнинг энг танқис ва кўпроқ капитал маблағ талаб қиладиган турларини, нефть, газ, целлюлоза, қора металлургия буюмлари, асбест, фосфорли ўғитлар ишлаб чиқариш борасида, шунингдек кўп юк кўтара оладиган юк автомобиллар ишлаб чиқариш, юкларни контейнерларда ташиш воситаларини, қишлоқ хўжалик ишларини механизациялаштириш воситаларини ишлаб чиқаришда қўшимча қувватлар вужудга келтиришга киришиш мўлжалланмоқда.

Бизнинг планлаштирувчи, ташқи савдо, хўжалик органларимиз социалистик мамлакатлар билан иқтисодий ҳамкорлик формаларини ва методларини янада такомиллаштириш масалаларига, халқ хўжалик планларини координациялаш масалаларига рационал миллий меҳнат тақсимоти бўйича биргаликда мўлжаллаб қўйилган тадбирларни тайёрлаш ва амалга ошириш масалаларига ҳар доим эътибор бериб туришлари ва бу масалаларни беш йиллик плавда ҳам, шунингдек бутун йиллик планлар системасида ҳам акс эттиришга интилишлари лозим. 15—20 йилга мўлжалланган комплекс программада кўрсатилиб ўтилган тадбирларни амалга ошириш партиямиз сиёсатининг яқин йилларга ҳам, шунингдек узоқ истиқболга ҳам мўлжалланган катъий йўлидир.

Янги беш йилликда Совет Иттифоқи тенглик ва ўзаро манфаатдорликка асосланган муносабатларни ривожлантиришга ўзининг тайёр эканлигини билдираётган жаҳондаги бошқа мамлакатлар билан ҳам иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришни давом эттира беради. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши қарорларида ва комплекс программада қайд қилиб ўтилганидек социалистик интеграция очиқ характерга эга бўлиб Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги ривожланаётган мамлакатлар билан, шунингдек саноати ривожланган капиталистик мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларини ривожлантириш йўлига ҳеч қандай тўғаноқ солмайди.

Биз шундай алоқаларни кенгайтиришга ҳаракат қилмоқдамиз, чунки ҳозирги замон фан ва техника революциясининг хусусиятлари кенг халқаро ҳамкорликни зарур иш қилиб қўймоқда ва узоқ истиқболга мўлжалланган барқарор иқтисодий алоқалар халқаро сиёсат нуқтаи назаридан қараганда ҳам, бир қанча актуал халқаро проблемаларни ҳал этиш учун қулай шароит яратиб бериш нуқтаи назаридан қараганда ҳам ниҳоят даражада аҳамиятлидир.

Саноат учун доимий буюртмалар беришни таъминлайдиган узоқ муддатли битимлар тузиш практикасига ўтиш натижасида Ғарб мамлакатлари билан қилаётган муносабатларимизда янги имкониятлар очилмоқда. Бунда гап Совет Иттифоқининг табиий ресурсларидан фойдаланиш, саноат корхоналари қуриш, янги техникавий ечимларни қидириб топиш билан алоқадор йириқ иқтисодий масалаларни ишлаб чиқишда чет эл фирмалари ва банклари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилишни тўғрисидагина гап бўлиши мумкин. Биз аминимизки, бундай ҳамкорлик қилмоқ учун шу ҳамкорликда қатнашаётганларнинг ҳаммаси кўзлаётган манфаатларга мос бўлиб тушадиган хилма-хил формалар топилиши мумкин, албатта.

Совет Иттифоқи Франция, Финляндия, Германия Федератив Республикаси, Италия, Канада, Япония, Швеция, Норвегия, Дания ва саноати ривожланган бошқа капиталистик мамлакатлар билан қилаётган савдомизнинг ҳажми бизнинг иқтисодий потенциалимизга ва уларнинг ҳам иқтисодий потенциалига кўпроқ даражада мувофиқ бўлиб тушиши учун шу мамлакатлар билан савдо-иқтисодий муносабатларни мустаҳкамлашни давом эттиришга тайёр.

Бу гапларнинг ҳаммаси Америка Қўшма Штатлари билан иқтисодий алоқаларни ривожлантириш истиқболларига ҳам тўла равишда тааллуқлидир. Бу алоқалар шу вақтгача ош миқдордагина ривожланди ва ҳар иккала мамлакатнинг имкониятларига бутунлай мос эмас. Тўппа-тўғри шуни айтиш керакки, бундай аҳвол аввало Совет Иттифоқи билан савдо қилиш йўлидаги бир қанча сунъий чеклашлар сақланиб қолаётганлиги натижасида вужудга келди. Совет-Америка муносабатларининг ривож топиши учун Қўшма Штатлар савдо, молия, кемалар қатнови масалаларида Совет Иттифоқини камситишга уринишдан воз кечиши зарур. Албатта, Совет Иттифоқи Қўшма Штатлар билан савдо қилишда Америка саноати маҳсулотининг рақобатга реал бардош беришини ҳисобга олиб йўл тутиши лозим бўлади. Биз шу нарсага аминимизки, Совет-Америка иқтисодий алоқаларини кенг ривожлантирмоқ учун шарт-шароит ва имкониятлар бор. Ҳозир олдиндан бирон гап айтиш барвақтлик қилади, албатта, чунки бу масала хусусида Америка томони билан боғлаган алоқаларимиз бошланғич босқичдагина турибди. Бу алоқаларни табриклашга сазовордир.

Совет Иттифоқининг Ғарб мамлакатлари билан иқтисодий муносабатини кенгайтирмоқ учун зарур ресурслар беш йиллик планда кўрсатиб ўтилган. Шу билан бирга товар оборотининг мўлжалланганидек қўпайтирилиши мумкин бўлган жуда реал вариантлардан фақат бири бўлади, холос. Бироқ, ҳали бу ҳам энг яхши вариантларнинг бири эмас. Капиталистик мамлакатларнинг ўзидаги саноат ва савдо доиралари бизнинг мамлакатимиз билан иқтисодий муносабатларни кенгайтиришдан етарли равишда манфаатдор эканлигини кўрсатсалар, Совет Иттифоқининг шу мамлакатлар билан савдо-сотиқ қилиши тағин ҳам кўпроқ ривож топади.

Совет Иттифоқига келганда у ташқи иқтисодий алоқаларни ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган изчил йўлни ўтказаверади. Бу йўл партиямиз ва Совет давлатимизнинг ленинча ташқи сиёсатининг узвий қисмидир.

* * *

Депутат ўртоқлар! Совет халқи Коммунистик партия раҳбарлигида буюк ғалабаларга эришдилар. Ватанимиз коммунистик қурилиш йўлида, яъни катта бунёдкорликлар қилиш томон дадил бўлиб олга бормоқда. Қардош социалистик мамлакатларнинг халқлари биз билан бирга бормоқда. Бутун дунё мамлакатлари бизга ҳайрихоҳ бўлиб ва бизни қўллаб-қувватлаб турибди.

Беш йиллик план партиямиз ишлаб чиққан иқтисодий ва социал сиёсатни ифодалайди. Беш йиллик топшириқларини амалга ошириш потенциалини анча кўпайтиради, социалистик ижтимоий муносабатларни янада ривожлантиришга ёрдам беради.

Шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги, жисмоний меҳнат билан ақлий меҳнат ўртасидаги муҳим тафовутларни бе лиш йўлида бу беш йилликда янги қадам қўйилади. Социалистик демократия тўхтовсиз ва изчил равишда ривожлантирилади. Иттифоқдош республикаларнинг қардошларча ҳамкорлиги кенгайтирилади ва мустаҳкамланади. СССРдаги барча халқларнинг дўстлиги тағин ҳам мустаҳкамроқ бўлиб қолади.

Тўққизинчи беш йилликнинг улуғвор вазифалари халқнинг ижодий кучларини сафарбар қилишни, хўжаликка қилинаётган раҳбарликни янада такомиллаштиришни талаб этади. Владимир Ильич Ленин бизга таълим бериб айтган эдики, «Биз илгариги тажрибамиз натижасида ҳосил бўлган моҳирлигимиз билан қаноатланмасдан, **албатта олга қараб** боришимиз, **албатта кўпроқ** натижаларга эриша боришимиз, албатта енгилроқ вазифалардан оғирроқ вазифаларга ўта боришимиз керак. Бусиз умуман ҳеч қандай тараққиёт бўлиши мумкин эмас, социалистик қурилишда ҳам тараққиёт бўлиши мумкин эмас. (Асарлар, 28-том, 200-бет).

Ленин партияси, совет халқи **албатта олга боришга,** ҳамиша, коммунистик қурилишнинг ҳамма участкаларида **албатта кўпроқ натижаларга эришишга** маҳкам бел боғлади.

Беш йиллик план топшириқларини бажариш халқнинг фидокорона меҳнати билан таъминланади. Умумхалқ социалистик мусобақаси миллион-миллион меҳнаткашлар ижодий активлигининг ёрқин ифодаси бўлиб турибди. Беш йиллик-ларимизнинг бутун тарихи социалистик мусобақанинг ривожлантирилиши билан боғланган, социалистик мусобақа экономикани юксалтиришдаги қудратли ҳаракатлантирувчи куч бўлиб қолди, меҳнатга онгли, коммунистик муносабатнинг конкрет ифодаси бўлиб қолди. Беш йиллик топшириқларини бажариш учун Москва, Ленинград ва бошқа саноат марказларидаги илғор корхоналарнинг, колхозлар ва совхозларнинг коллективлари ўз зиммаларига олган мажбуриятлар ҳам бундан далолат бериб турибди. Бу мажбуриятлар—ижодий ташаббускорликнинг, дадил новаторликнинг янги ажойиб намуналаридир. Совет халқи Ленин партияси XXIV съезди режаларини амалга ошириш йўлида қунт билан ва руҳланиб, коммунистик қурилишнинг олий мақсадларини амалга ошириш учун зиммасидаги масъулиятни чуқур англаб меҳнат қилмоқда.

Силарнинг муҳокамангизга тақдим этилган беш йиллик план Олий Совет тасдиқлаганидан кейин бутун совет халқи ҳаётининг ва фаолиятининг қонуни бўлиб қолади.

Партия билан халқнинг бирлиги, Ленин ғояларига содиқлик кучимизнинг манбаидир, яъни ғалабаларнинг гарови. Бугун мана шу юксак минбарда туриб шуни дадил айтиш мумкинки, совет халқи тўққизинчи беш йиллик план топшириқларини, партиямиз топшириқларини муваффақиятли бажариш учун зарур бўлган чораларнинг ҳаммасини кўради. **(Гулдурос давомли қарсаклар).**

СССРНИНГ 1972 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ТЎҒРИСИДА ВА 1970 ЙИЛГИ СССР ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ИЖРОСИ ҲАҚИДА

СССР МОЛИЯ МИНИСТРИ ДЕПУТАТ В. Ф. ГАРБУЗОВ ДОКЛАДИ

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXIV съезди, деди докладчи, мамлакатни яқин келажакда иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг асосий йўлларини белгилаб берди, тўққизинчи беш йилликда хўжалик ва маданий қурилишнинг батафсил программасини ишлаб чиқди. Жамиятимиз иқтисодий ривожида эришилган даража социалистик ишлаб чиқаришни юксак суръатлар билан ривожлантириш, унинг самарадорлигини ошириш, фан-техника тараққиёти ва меҳнат унумдорлигини жадал ўстириш асосида халқ турмушининг моддий ва маданий даражасини анча оширишни таъминлашни беш йиллик планнинг энг асосий вазифаси қилиб қўйиш имконини берди.

Партиямиз Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев «Марказий Комитет меҳнаткашлар фаровонлигини жиддий суръатда оширишни тўққизинчи беш йиллигининг асосий вазифаси сифатида илгари сурар экан, бу йўл олдимиздаги беш йиллик ичида бизнинг фаолиятимизни белгилаб бергани қолмасдан, мамлакатнинг узоқ келажакка мўлжалланган хўжалик тараққиётининг умумий йўналишини ҳам белгилаб беришини назарда тутади» деб кўрсатди.

Партия XXIV съезди қарорларидан руҳланган совет кишилари социалистик мусобақани кенг авж олдириб, тўққизинчи беш йиллигининг биринчи йилини муваффақиятли равишда тугалламоқда.

Бу йил саноат ишлаб чиқариши планда белгиланганидан кўпроқ миқёсда ўсади. Пландан ташқари 5 миллиард сўмликдан кўпроқ саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилиб, реализация қилинади. Меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш ва фойдани кўпайтириш топшириқлари ошириб бажарилади.

Бу йил социалистик қишлоқ хўжалигида ҳам бир талай муваффақиятларга эришилди. Мамлакатнинг бир қанча районларида об-ҳаво шароитлари ноқулай келишига қарамай колхоз ва совхозларнинг меҳнатчилари don, пахта ва бошқа экинлардан яхши ҳосил йиғиштириб олдилар. Чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш планлари муваффақиятли бажарилмоқда. Бу муваффақиятлар кўп жиҳатдан қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришига раҳбарликни яхшилаш билан боғлангандир.

Халқ фаровонлигини янада ошириш соҳасида КПСС XXIV съезди ишлаб чиққан программа изчиллик билан амалга оширилмоқда, деб уқтирди В. Ф. Гарбузов. Бу йил темир йўл транспорти ходимларининг ва мамлакатнинг кўп районларидаги қишлоқ хўжалик механизаторларининг иш ҳақи оширилди, ишчи ва хизматчиларга қариялик пенсияларининг минимал миқдорлари кўпайтирилди, колхозчиларнинг пенсиялари оширилди, халқ истеъмол қиладиган бир қанча молларнинг чакана нархлари камайтирилди. 1971 йилда аҳолининг пул даромадлари 13,8 миллиард сўм миқдорида ёки 7,2 процент кўпаяди ва планда кўзда тутилганидан ортиқ бўлади. Меҳнаткашларнинг социал-маданий эҳтиёжларини қондиришга давлат қиладиган ҳаражатлар 4,6 миллиард сўм кўпайтирилади.

Озиқ-овқат ва саноат моллари сотиш анча кўпайганлигида ҳам аҳоли турмуш даражасининг ўсганлиги ўз ифодасини топди. 1971 йилда чакана товар оборoти 7,2 процент ортди. Уй-жой ва маданий-маиший қурилиш кенг кўламда давом эттирилди. Бу йил совет кишилари икки миллионтадан ортиқ янги шинам квартира эгаллашдилар. Аҳолининг маиший хизматларга бўлган эҳтиёжлари тобора тўлиқ қондирилмоқда.

1971 йилги давлат бюджети даромадлари бўйича 166,3 миллиард сўм, ёки планнинг 101,3 процентга миқдорида, ҳаражатлар бўйича 165,1 миллиард сўм ҳажмида, ёки планнинг 100,7 процентга миқдорида бажарилади. Даромадлар ҳаражатлардан 1,2 миллиард сўм ортиқ бўлади. Ҳамма иттифоқдош республикаларнинг бюджетлари бажарилмоқда.

Бу йилги халқ хўжалик плани ва бюджет бажарилаётганлиги мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантириш юзасидан партия XXIV съезди ишлаб чиққан программа муваффақиятли равишда бажарилаётганидан далолат беради. Бу эса беш йилликнинг иккинчи йили — 1972 йил учун кўзда тутилган тадбирларни амалга ошириш учун яхши замин яратади

Докладчи шуни таъкидладики, СССР халқ хўжалигини ривожлантириш беш йиллик планининг лойиҳаси КПСС Марказий Комитетининг партия XXIV съездига Ҳисобот докладида, съезд резолюцияси ва Директиваларида баён этилган қоидаларга тўла мувофиқ равишда тузилганлигини СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ А. Н. Косигин айтиб ўтди. СССРнинг 1972 йилги давлат бюджети мамлакат экономикасини ривожлантириш, халқ фаровонлигини янада ошириш, мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш юзасидан келгуси йил учун белгиланган тадбирларни зарур молиявий ресурслар билан тўла-тўкис таъминлайди.

1972 йилги СССР давлат бюджетининг даромадлари 173,7 миллиард сўм, ҳаражатлари 173,5 миллиард сўм ҳажмида, даромадлар ҳаражатлардан 0,2 миллиард сўм ортиқ қилиб белгиланмоқда.

Бюджет ҳаражатлари бу йил ижроси кутилаётганига нисбатан 5,4 процент кўпаяди ва қуйидаги миқдорга етади:

(Миллиард сўм)

	1971 йил план	1972 йил лойиҳа
Халқ хўжалиги	77,0	82,6
Социал-маданий тадбирлар	58,5	62,9
Мудофаа	17,9	17,9
Бошқарув	1,7	1,7

КПСС XXIV съезди Директиваларига мувофиқ, деди В. Ф. Гарбузов, халқ фаровонлигини янада ошириш соҳасидаги бир қанча йириқ тадбирларни рўёбга чиқаришга 4,8 миллиард сўм маблағ сарфлаш кўзда тутилади.

1972 йил мобайнида иш ҳақининг ойига 70 сўмдан иборат янги минимуми жорий этилади ҳамда айни вақтда узоқ шимол районларида ва шу районларга тенглаштирилган жойларда, Европа шимолида, Узоқ Шарқда, Шарқий ва Ғарбий Сибирда, Уралда ишлаб чиқариш тармоқларидаги ўртача ҳақ оладиган ишчи ва хизматчиларнинг ставкалари ва окладлари оширилади. Мамлакатнинг мазкур районларида ана шу тадбирлар амалга оширилгач ойига 70 сўмгача иш ҳақи оладиган ишчи ва хизматчилардан ундириладиган солиқлар бекор қилинади. 90 сўмгача бўлган иш ҳақидан олинадиган солиқ ставкалари ўрта ҳисобда учдан бир ҳиссадан эмас, балки камайтирилади.

1972 йил 1 сентябрдан бошлаб бутун мамлакатда ўқитувчилар ва врачларнинг иш ҳақи ўрта ҳисобда 20 процент, мактабгача тарбия болалар муассасалари тарбиячиларининг иш ҳақи эса бундан ҳам кўпроқ миқдорда оширилади.

Олий ўқув юртлари студентларининг стипендиялари 1972 йил 1 сентябрдан бошлаб ўрта ҳисобда 25 процент ва ўрта махсус ўқув юртлари ўқувчиларининг стипендиялари 50 процент кўпайтирилади, олий ўқув юртлари ва илмий тадқиқот муассасалари аспирантларининг стипендиялари миқдори ҳам оширилади.

Совет кишилари турмуш даражасини ошириш ижтимоий ишлаб чиқаришни ва миллий даромадни юксак суръатлар билан ўстиришга асосланади. 1972 йилда халқ хўжалиги тармоқларини техника билан янада қайта қуроллантиришга, ижтимоий ишлаб чиқариш пропорцияларини яхшилашга, қишлоқ хўжалигини ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи тармоқларни тез суръатлар билан ривожлантиришни таъминлашга катта маблағ ажратилади.

Келгуси йил халқ хўжалигини ривожлантиришга бюджет ҳисобидан, корхоналарнинг ўз маблағлари ва банкларнинг кредитлари ҳисобидан 169,8 миллиард сўм ҳаражат қилинади, бу эса 1971 йилги ҳаражатлардан 10,2 миллиард сўм ортиқдир.

Моддий ишлаб чиқариш жараёнига ва совет кишиларининг турмуш шароитларига тобора кўпроқ таъсир ўтказаётган фанга 1972 йилда ажратиладиган маблағлар анча кўпайтирилади. Фанга қилинадиган ҳаражатлар 8,8 процент ортиб, 14,4 миллиард сўмга етади.

Халқ хўжалиги ва маданиятни ривожлантиришнинг беш йиллик планда кўзда тутилган программасининг бажарилиши социалистик корхоналар жамғармасини анча кўпайтириш билан таъминланади. Бюджет даромадларининг асосий қисми—157,7 миллиард сўм ёки бюджетдаги жами маблағнинг 90,8 процента 1972 йилда социалистик хўжаликдан олинади. Бу даромадларнинг айрим турлари қуйидагича бўлади:

(Миллиард сўм)

	1971 йил план	1972 йил лойиҳа
Давлат корхоналарининг фойдасидан тўловлар	54,8	60,7
Оборот солиғи	54,2	57,4
Давлат корхоналари ва ташкилотларнинг социал страхование взнослари, ташқи савдодан тушумлар, колхозлардан олинадиган даромад солиғи ва бошқа даромадлар	37,1	39,6

1972 йилги план ва бюджетда ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ижтимоий меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш асосида корхоналарнинг ва хўжалик ташкилотларининг оладиган фойдасини янада кўпайтириш кўзда тутилган. Халқ хўжалиги ҳамма тармоқларининг оладиган жами фойдаси 98,0 миллиард сўм миқдорида, бу йилгидан 9,9 процент ортиқ қилиб белгиланди. Жами фойданинг 41 процента ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва моддий рағбатлантириш фондларини вужудга келтириш учун корхоналарнинг ихтиёрига берилади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилишнинг халқ хўжалик планида кўзда тутилган ҳажмига биноан оборот солиғи таққослама шартларда 2,8 миллиард сўм, ёки 5,2 процент кўпайтирилади.

Иш ҳақининг планлаштирилаётган фондига мувофиқ ҳамда солиқ ставкаларини бекор қилиш ва камайтириш мўлжаллаб қўйилганлиги ҳисобига олиниб, аҳолидан олинадиган солиқлар СССРнинг 1972 йилги давлат бюджетида 15 миллиард сўм миқдорида кўзда тутилди. Аҳолидан олинадиган солиқларнинг бюджет даромадларидаги салмоғи 8,6 процентни ташкил этади.

(Давоми 6-бетда)

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ УЧИНЧИ СЕССИЯСИ

СССРНИНГ 1972 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ТЎҒРИСИДА ВА 1970 ЙИЛГИ СССР ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ИЖРОСИ ҲАҚИДА

(Боши бешинчи бетда)

СССРнинг чет мамлакатлар билан иқтисодий ва маданий алоқалари кенг ривожланаётганлиги бюджетда акс эттирилди. Социалистик мамлакатлар билан муносабатлар Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг аъзолари бўлган мамлакатлар ҳамкорлигини янада чуқурлаштириш ва такомиллаштириш ҳамда шу мамлакатларнинг социалистик иқтисодий интеграциясини ривожлантириш тўғрисида Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг XXV сессиясида қабул қилинган комплекс программасига мувофиқ ривожлантираверилади.

СССРнинг давлат бюджети—тинч бунёдкорлик меҳнати бюджети. Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг совет халқи фаровонлигини анча оширишга, халқ хўжалигининг барча тармоқларини янада ривожлантиришга қаратилган ленинча сиёсати бюджетда акс эттирилган.

КПСС XXIV съезди, деб давом қилди докладчи, саноатамиз олдига катта ва масъулиятли вазифалар қўйди. Саноатни ривожлантиришдаги асосий йўналиш, у ҳам бўлса ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш кўчайтириш ва унинг самарадорлигини оширишдир. Саноатнинг ривожлантирилиши бутун халқ хўжалигининг индустриал базасини кенгайтириш ва такомиллаштириш аҳолининг ҳаётий эҳтиёжларини тагин ҳам тўлиқроқ қондириши таъминлаши лозим. Шунга мувофиқ 1972 йилги план ва бюджетда саноат ишлаб чиқаришнинг структурасини зарур даражада ўзгартириш, истеъмол буюмларини ишлаб чиқаришни ва техника тараққиётини тезлаштирадиган тармоқларни юксакроқ суръатлар билан ривожлантириш кўзда тутилади.

Бюджет ҳисобидан ҳамда корхоналарнинг ўз маблағлари ва банкларнинг кредитлари ҳисобидан саноатни пул билан таъминлашга 1972 йилда 87,0 миллиард сўм ёки бундан олдинги йилдагига нисбатан 9,6 процент кўп маблағ сарфланади. Оғир индустрия тез суръатлар билан ривожлантирилади, чунки у мамлакат иқтисодий қудратининг ва халқ фаровонлигини ўстиришнинг негизи бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Оғир индустрияни ривожлантиришга 71,5 миллиард сўм ёки 9,5 процент кўп маблағ ажратилади.

Енгил саноатни, озиқ-овқат саноатини, шунингдек, маҳаллий саноатни ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тармоқларини ривожлантиришга ажратилаётган маблағлар анча кўпайтирилади. Оғир индустрия корхоналарида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун зарур маблағлар ажратиш кўзда тутилади.

Сўнгра В. Ф. Гарбузов айтдики, транспорт ва алоқанинг ҳамма турларини ривожлантиришда 1972 йилда бюджет ҳисобидан ва хўжаликларнинг маблағларидан 14,5 миллиард сўм ёки бу йилдагига қараганда 4,1 процент кўп маблағ ажратиш кўзда тутилди.

Фан ва техника муваффақиятларини ишлаб чиқаришнинг ҳамма тармоқларига кенг жорий қилиш асосида меҳнат унумдорлигини тез суръатлар билан ошириш, деди докладчи, ишлаб чиқаришни ва жамғармаларни кўпайтиришнинг ҳал қилувчи шартидир. 1972 йилда саноат маҳсулотини ишлаб чиқаришдаги ўсишнинг 86 процента меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан кўпайтирилиши лозим.

Меҳнат унумдорлигини янада ошириш ва моддий ресурслардан фойдаланишни яхшилаш борасида планда кўзда тутилган тадбирлар 1972 йилда саноат маҳсулотининг таннархини 1,1 процент миқдорида пасайтиришни таъминлайди. Ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишини ва маҳсулот таннархининг пасайтирилганлигини ҳисобга олганда саноатдан олинадиган фойданинг умумий миқдори 62,8 миллиард сўм қилиб белгиланди ёки бу фойданинг умумий миқдори бу йилгагига нисбатан 12 процент кўпаяди.

Ишлаб чиқариш бирлашмалари ва комбинатлари тузилганлиги саноатда техника тараққиётини тезлаштириш учун катта имкониятлар очиб беради. Иқтисодий рағбатлантириш фондлари планининг миқдор ва сифат кўрсаткичларини бажариш учун тобора катта аҳамият касб қилмоқда. Саноатдаги ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларидаги планли фойдадан ва амортизациядан иқтисодий рағбатлантириш фондларига ажратиладиган маблағларнинг умумий миқдори 1972 йилда 17 миллиард сўмдан ошиқроқ бўлади ва бу йилдагига нисбатан 2 миллиард сўм кўпаяди. Бу катта маблағлардан фойдаланиб, кўпроқ самара олиш зарур.

В. Ф. Гарбузов ўзининг докладида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантириш масалаларига катта ўрин берди. Коммунистик партия, деди у, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг узоқ вақтга мўлжалланган комплекс программасини ишлаб чиқди ва амалга оширмоқда. Бу программа аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига ва саноатнинг хом ашёга ўсиб бораётган талабини тагин ҳам кўпроқ қондиришга қаратилган программадир. Қишлоқ хўжалигини ҳар томонлама интенсивлаштириш унинг моддий ва техника базасини мустаҳкамлашнинг кенг программаси зарур молиявий ресурслар билан таъминланади. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда эндиги йилда бюджет ҳисобидан, колхозларнинг ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарининг ўз маблағларидан 27,6 миллиард сўм ёки 1971 йилдагига нисбатан 10,2 процент кўп маблағ сарфланади.

Қишлоқ хўжалигига сарфланадиган давлат капитал маблағларининг умумий ҳажми 1972 йилда 14,5 миллиард сўмни ташкил этади ёки бу йилдагига қараганда 1,6 миллиард сўм миқдорда кўпроқ капитал маблағ сарфланади. Бундан ташқари колхозлар капитал қурилишга ўз маблағлари ва СССР Давлат банкининг кредитлари ҳисобидан 8,4 миллиард сўм сарф қиладилар.

Қишлоқ хўжалигига техника, запас қисмлар, минерал ўғитлар етказиб бериш анча кўпайтирилади. Бутуниттифоқ «Союзсельхозтехника» бирлашмасининг колхозлар ва совхозларни материал-техника билан таъминлаш борасидаги товар оборотининг умумий ҳажми 1972 йилда 8,2 процент кўпаяди ва 13,2 миллиард сўмга етади.

Совхозларнинг 1972 йилда оладиган фойдаси 5 миллиард сўм миқдорида белгиланди. Шундан 4,5 миллиард сўмдан кўпроғи ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва фондларга маблағ ажратиш учун совхозлар ихтиёрида қолдирилади. Келгуси йилда совхозлар эҳтиёт фонди, хўжаликни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш фондига, шунингдек фойданинг эркин қолдиғи тариқасида 2,4 миллиард сўмдан иборат молиявий резерва эга бўладилар.

1972 йилги план ва бюджетда, деб давом қилди докладчи, капитал қурилиш программасини амалга ошириш кўзда тутилади. Давлат томонидан сарфланадиган капитал маблағларнинг умумий ҳажми 79,5 миллиард сўм миқдорида белгиланди ва бу йилдагига нисбатан 5,3 процент кўпаяди. Марказлаштирилган тартибдаги капитал қурилишларни пул билан таъминлашга, шу жумладан қурилишдаги оборот маблағларни кўпайтиришга 67,0 миллиард сўм, жумладан бюджет ҳисобидан 31,5 миллиард сўм ажратилади.

1972 йилги планда сарфланадиган капитал маблағларнинг тақсимланиши ижтимоий ишлаб чиқариш нисбатларини янада яхшилашни, фан-техника тараққиётини тезлаштиришни, аҳоли учун мол ишлаб чиқараётган тармоқларнинг моддий базасини мустаҳкамлашни таъминлайди.

1972 йилда уй-жой қурилиши кенг миқёсда давом эттирилади. Уй-жой қурилишига сарфланадиган капитал маблағларнинг умумий ҳажми 14,6 миллиард сўм миқдорида белгиланди. Бу маблағ умумий саҳни 115 миллион квадрат метрли уй-жой биноларини қуриб фойдаланишга топширишга имкон беради.

Капитал маблағлар самарадорлигини ошириш учун қурилишдаги ишларнинг аҳволини тубдан яхшилаш лозим. КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси халқ хўжалигини ривожлантиришнинг беш йиллик планини ва 1972 йилги бюджетни кўриб чиқиш вақтида маблағларни ишга туширилиадиган объектларга тўплаш, қурилиш муддатларини ва унинг қимматини қисқартириш, лойиҳалаш ишини такомиллаштириш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ва ўзлаштириш ҳамда ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилиш планини сўзсиз бажариш зарурлигини уқтирди.

Бир қанча министрликлар ва идораларда капитал маблағлари планлаштиришдаги нуқсонлар сабабли кўпгина қурилишларда ўрнатилмаган машина-ускуналарнинг кўпдан-кўп запаслари тўпланиб қолмоқда.1972 йилги план ва бюджетда қурилишдаги ички ресурслари асосан машина-ускуналарнинг пландан ортиқча запасларини қисқартириш ҳисобига 1,6 миллиард сўм миқдорида сафарбар қилиш топшириғи кўзда тутилди. Қурилиш-монтаж ташкилотларининг оладиган фойдаси 5,8 миллиард сўм ҳажмида белгиланди.

Қурилиш-монтаж ташкилотларини планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги методларига бундан буён ҳам ўтказа бориш капитал қурилишни яхшилаш учун муҳим аҳамиятга эга.

Сўнгра докладчи савдони пул билан таъминлаш масалаларига тўхталди. Давлат ва кооператив савдосини қўшимча топшириқ ҳам ҳисобга олинганда 1972 йилги чакана товар обороти 177,5 миллиард сўм миқдорида ёки бу йилгидан 7,7 процент ортиқ қилиб белгиланди, деди докладчи.

1972 йилда давлат савдосини пул билан таъминлашга 2,5 миллиард сўм ёки бу йилгидан салкам 30 процент кўп пул берилади. Кооператив ташкилотлар савдо хизмати ва тайёрлаш корхоналари қуриш ва кенгайтиришга 1,1 миллиард сўм сарф қиладилар. Ажратилаётган маблағлар савдо тармоғини кенгайтириш ҳамда магазинларни, сабзавот омборларини ва бошқа савдо-сотиқ корхоналарини замонавий ускуналар билан таъминлашни яхшилаш имконини беради.

Меҳнаткашларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини мумкин қадар тўлароқ қондириш—социалистик жамиятнинг энг олий мақсадидир.

В. Ф. Гарбузов шуни айтдики, СССРнинг 1972 йилги давлат бюджетида социал-маданий тадбирларга 62,9 миллиард сўм ёки бу йил бажарилиши кутилаётганига нисбатан 3,4 миллиард сўм кўп маблағ сарфлаш кўзда тутилмоқда. Бу маблағлар қуйидагича тақсимланади:

	(Миллиард сўм) 1971 йил план	1972 йил лойиҳа
Халқ маорифи, фан ва маданият	25,8	27,4
Соғлиқни сақлаш ва физкультура	9,4	9,7
Давлат социал страхованиеси ва таъминоти	23,3	25,8

Бундан ташқари давлат корхоналари ва колхозлар маблағлари ҳисобидан социал маданий тадбирларга салкам 16 миллиард сўм (капитал маблағларни ҳам қўшиб ҳисобланган) ҳаражат қилинади.

Социалистик давлатимиз совет кишиларининг соғлиғини сақлаш ва мустаҳкамлаш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилиб келмоқда. 1972 йилда соғлиқни сақлаш ва физкультурага жами 9,7 миллиард сўм сарф қилинади. Социал страхованиега ва меҳнаткашларни страхование қилишга ажратиладиган маблағлар Совет Иттифоқи давлат бюджетида муҳим ўрин олади. 1972 йилда бу ҳаражатлар 8,6 процент кўпайиб, 25,8 миллиард сўмга етади.

КПСС XXIV съезди, деди докладчи, тинчлик ва ҳалқаро ҳамкорлик учун курашнинг катта программасини белгилаб берди. Коммунистик партия билан совет ҳукумати ана шу программани амалга ошира бориб, кейинги вақтларда халқларнинг тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлашга қаратилган бир қанча амалий таклифларни ўртага ташлади.

Коммунистик партия тинчлик учун изчил кураш олиб бориш билан бирга мамлакатимизнинг мудофаасини мустаҳкамлаш ва такомиллаштириши таъминлаш зарур деб ҳисоблайди. СССРнинг 1972 йилги давлат бюджетида мудофаа ҳаражатлари 17,9 миллиард сўм, яъни бюджет ҳамма ҳаражатларининг 10,3 процента миқдорида белгиланди.

КПСС XXIV съезди Директиваларида маъмурий-бошқарув аппаратини янада такомиллаштириш ва арзонлаштириш соҳасидаги ишни давом эттириш, унинг ортиқча бўғинларини қатъият билан қисқартириш вазифаси ўртага қўйилган.

1972 йилги план ва бюджетда бошқарув аппаратини янада яхшилаш, халқ хўжалиги тармоқларидаги бошқарув структурасини рационализация қилиш чоралари кўзда тутилган. 1972 йил бюджетида бошқарув ҳаражатларини қисқартириш йўли билан салкам 700 миллион сўмни тежаб қолиш белгиланган.

Мамлакатимизнинг жуда катта муваффақиятлари, деди докладчи, кўп миллатли Ватанимиз барча халқлари биргаликда қилган меҳнатнинг натижасидир. 1972 йилда совет халқи Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи барпо этилганлигини 50 йиллигини нишонлайди. Коммунистик партия социалистик миллатларни тўла равнақ топтиришга ва яқинлаштиришга, мамлакатдаги ҳамма халқларнинг қардошларча дўстлигини мустаҳкамлашга, совет жамиятининг маънавий-сиёсий бирлигини мустаҳкамлашга қаратилган ленинча миллий сиёсатни изчиллик билан ўтказиб келмоқда.

Иттифоқдош республикаларнинг 1972 йилги давлат бюджетлари ҳар бир иттифоқдош республиканинг халқ хўжалигини янада юксалтиришни, Совет Иттифоқи барча халқларининг фаровонлигини оширишни таъминлайди.

СССРнинг 1972 йилги давлат бюджетида республикаларнинг бюджетлари 77,9 миллиард сўм миқдорида ёки 1971 йилга нисбатан 8,2 процент ортиқ қилиб белгиланган:

(Миллион сўм)

РСФСР	42.307
Украина ССР	13.140
Белоруссия ССР	3.350
Ўзбекистон ССР	3.287
Қозоғистон ССР	5.404
Грузия ССР	1.459
Озарбайжон ССР	1.387
Литва ССР	1.606
Молдавия ССР	912
Латвия ССР	1.072
Қирғизистон ССР	908
Тожикистон ССР	824
Арманистон ССР	978
Туркманистон ССР	657
Эстония ССР	654

Республикаларнинг бюджетларидан халқ хўжалигини пул билан таъминлашга 35,3 миллиард сўм, ёки 1971 йил учун белгиланганидан 11,8 процент кўп сарфлаш мўлжалланган. Корхоналар ва ташкилотларнинг ўз маблағларини ҳам қўшиб ҳисоблаганда, келгуси йилда халқ хўжалигини пул билан таъминлашга 72,7 миллиард сўм етади ёки бу йилдагидан 12,5 процент кўпаяди. Енгил саноат ва озиқ-овқат саноатини, қишлоқ хўжалигини, яъни ҳар бир республика аҳолисининг эҳтиёжларини қондиришга алоқадар тармоқларни ривожлантиришга энг кўп маблағ сарф қилинади. Уй-жой қурилишига, аҳоли пунктларини ободонлаштиришга, коммунал-маиший хизматга 7,4 миллиард сўм ажратилади.

Иттифоқдош республикалар бюджетларининг даромадлари асосан социалистик хўжаликдан олинади. Уларнинг бюджетларида корхоналар ва хўжалик ташкилотларининг фойдасидан олинадиган тўловлар 27,4 миллиард сўм, оборот солиғи 27,2 миллиард сўм ҳажмида белгиланди.

Кейинги вақтларда хўжалик ва социал маданий ривожланиш вазифаларини ҳал этишда район, шаҳар, қишлоқ ва посёлка Советларининг ҳуқуқлари анчагина кенгайтирилди. 1972 йилда маҳаллий бюджетларнинг умумий ҳажми жуда катта миқдорга — 30 миллиард сўмга етади. Маҳаллий бюджетлар даромадларининг манбалари анча кенгайтирилди, улар қиладиган ҳаражатларининг доираси кўпайтирилди. Бир қанча республикаларда республика ва область қарамоғидаги корхоналар ва ташкилотларнинг фойдасидан олинадиган тўловларнинг бир қисми район ва шаҳар бюджетларининг даромадларига ўтказилмоқда.

В. Ф. Гарбузов айтдики, ҳукумат СССРнинг 1970 йилги давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни СССР Олий Совети тасдиғига ҳавола қилади. Бюджет даромадлар бўйича 156,7 миллиард сўм ёки планнинг 103,5 проценти миқдорида, ҳаражатлар бўйича 154,6 миллиард сўм ёки планнинг 102,4 проценти миқдорида бажарилди. Даромадлар ҳаражатлардан 2,1 миллиард сўм ортиқ бўлди. Депутатларга тарқатилган ҳисоботда даромадлар ва ҳаражатларнинг айрим турлари хусусидаги батафсил маълумотлар бор.

Пировардида докладчи бундай деди: Коммунистик партия билан унинг ленинчи Марказий Комитети теварагига маҳкам жипслашган совет кишилари коммунистик жамият қуришнинг буюк йўлида янгидан-янги улкан ғалабаларга эришадилар.

МЕХАНИЗАТОРЛАРНИНГ ЗАРБДОР ОТРЯДЛАРИНИ ТУЗАМИЗ

ПАХТА...

Оппоқ момиқ пахта чаноқлари республикамиз гербига туширилгани бежиз эмас. Саҳий қуёш қиздирган, пахтакорнинг қайноқ ва фидокорона меҳнатига қонган ўзбек тупроғи қимматбаҳо «оқ олтин» дурдоналарини ином этяпти. «Оқ олтин»ни миқоллардан йиғиштириб оламиз. Пахтачилик билан ошна бўлган ҳар бир одам далаларимиз оппоқ гиламга бурканиши учун гўза тупларида етарли кўсаклар бўлиши, кўсаклар вақтида очилиши учун қанчалик меҳнат талаб қилинишини яхши билади. Пахта ҳосилини йиғиштириб олиш уни етиштиришдан осон эмас. Оталаримиз ва оналаримиз, акаларимиз ва опаларимиз пахтани фақат қўлда теришарди. 70-йилларнинг комсомол ва ёшлари бўлган биздар ўша даврни ҳеч ақлимизга сиғдира олмаймиз. Пахта териш машинаси ва йиғим-терим мавсуми биз учун бир-бири билан чамбарчас боғлиқ тушунчадир.

Биз, ака-ука Шодиевлар пахтакор эмасмиз. Биримиз врач, иккинчимиз инженер, бошқамиз студентмиз. Лекин республикамизда пахтага лоқайд қарайдиган одам йўқ, интернационал нефтихоримиз бўлган ҳосил тақдири, «оқ олтин» тақдири қимни тўлқинлантирмайди дейсиз! Бир вақтлари пахтани йиғиштириб олишда қишлоқ меҳнаткашларига қўлда пахта териб ёрдамлашардик. Эрта тонгдан қош қорайгунча ишлаб, гарчи орқада судралиб юрмасак-да, иш унумимиз оз эди. Шунда биз пахта териш машинасини ўрганишга аҳд қилдик. Машғулотлардан бўш вақтларимизда «зангори кема»ларнинг схемасини, механизмлар ҳаракати принципларини ўргандик.

Бу йил 4 миллион 400 минг тонна пахта йиғиштириб олиш вазифаси қўйилганида биз ҳам механизаторлик учун етуклик имтихони топшириши ҳаҳ қилдик. Бу ишга биз меҳнат отпусткамизни бағишладик. Сирдарё областининг Оқ олтин районидаги «Фарғона» совхозида ишлаб, учовимиз машиналар бункеридан 510 тонна «оқ олтин» тўкдик.

Бугуни кунда ёшлар, йигитлар ва қизлар ўзларини жамиятимизнинг тўла ҳуқуқли хўжайинлари деб билиб, масъулиятни чуқур ҳис этмоқда, ўз зиммасига давлат аҳамиятига эга бўлган ишларни тобора дадил олмоқда. Партия ва халқнинг совет ёшларига юксак ишончи, унинг маънавий руҳи кучига, ғоявий эътиқодига, кекса авлодларнинг анъаналарига садоқатига ишончи бунда тўла намоён бўлмоқда. Мана шу юксак ишонч КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг студентларнинг Москвада бўлиб ўтган Бутуниттифоқ слетида сўзлаган нуткида ҳам алоҳида таъкидланди.

Мана шу тарихий воқеа таассуроти билан яшаётган шу дамларда биз 1972 йилдаги йиғим-терим мавсумида Мирзачўлдаги совхозлардан бирида тўрт қаторли пахта териш машинасида ишлашга қарор қилдик. Бу гал биз билан бирга укаларимиз — ҳиндшунос, республика телевидениеси ва радио эшиттириш ходими Қосимжон, Тошкент медицина институтининг тўртинчи курс студенти Кобилжон ҳам машина штурвалларини бошқаришади.

Келгуси йили меҳнат отпускаларимиз вақтида машиналар билан камида 1.500 тонна пахта териб берамиз.

Бу осон иш эмаслигини яхши биламиз. Лекин биз куч-ғайратимизга ишонамиз, бизга тажрибали механизаторлар, кўрик ер пахтакорлари ёрдам беришади.

Леонид Ильич Брежнев нуткида студентлар қурилиш отряд-лари фаолиятига берилган юксак баҳодан илҳомланган ҳолда биз «Правда Востока» газетаси орқали сизларга — республиканинг йигит ва қизларига, саноат, корхоналари, қурилишлар, муассасаларнинг меҳнаткашларига мурожаат қилишга қарор қилдик.

Сизларга — студентлар, айниқса техника олий ўқув юртларининг ва техникумларининг студентларига мурожаат этамиз!

Техникага меҳр қўйган, қалбида ўти, билагида кучи бўлган барча ёшларга дил сўзларини айтамиз!

МЕХАНИЗАТОРЛАРНИНГ КОМСОМОЛ-ЁШЛАР ЗАРБДОР ОТРЯДЛАРИНИ ТУЗАЙЛИК! Бундай отрядлар пахта йиғим-терими даврида пахтакорлар ва механизаторларга катта мадад берадиган бўлсин.

Бу катта ишда ҳар томонлама ёрдам кўрсатилишига ишончимиз комил. Бундай отрядларни тайёрлашда республика шаҳарлари ва район марказларида тажрибали механизаторлар тайёрлайдиган қисқа муддатли курслар ташкил этилса айни муддао бўлур эди. Бундай тажрибали механизаторлар ҳозирги замон мураккаб техникасини бемалол бошқарган бўлур эдилар.

Бу отрядлар пахтакорларнинг ишончли жанговар резерви бўлиб, минглаб теримчиларнинг ўрнини босадилар. КПСС XXIV съезди қарорларини амалга оширишдан иборат умумий ишимизга муносиб ҳисса кўша оладилар.

Ҳаким Шодиев — врач, Гулистон шаҳри, Наби Шодиев— инженер, Тошкент политехника институтининг самолетсозлик технологияси кафедраси, Фозил Шодиев — Тошкент политехника институти механика факультетининг IV курс студенти.

(«Правда Востока», 24 ноябрь).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

К. В. БАБИЕВСКИЙ, О. ЗАЙНУДДИНОВ, Т. Н. КАЛИНОВСКАЯ, А. И. ПЕТЕЛИН ВА М. ТЎХТАХЎЖАЕВАЛАРГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРХИТЕКТОР» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Республикада архитектурани ривожлантиришдаги катта хизматлари, архитектор кадрлар тайёрлаш ва Ўзбекистондаги машҳур архитектура ёдгорликларини қайта тиклашдаги муваффақиятлари учун қуйидагиларга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган архитектор» фахрий унвони берилсин:

Бабиевский Константин Васильевич — Тошкент политехника институти архитектура факультети ўйжой бинолари архитектураси кафедрасининг мудири.

Зайнуддинов Обид — Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги махсус илмий реставрация устахонаси лойиҳалар бош архитектори.

Калиновская Татьяна Николаевна — «Узгоспроект» институти бош планлар бўлимининг бош архитектори.

Петелин Андрей Иванович — Тошкент политехника институти архитектура факультетининг доценти.

Тўхтахўжаева Марҳамат — Тошкент эксперименталь лойиҳалаш зона илмий тадқиқот институти архитекторлар группасининг раҳбари.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. МАТЧОНОВ.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ҳ. ПЎЛАТОВА.

1971 йил, 24 ноябрь.
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Д. М. ШПОЛЯНСКИЙГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МЕХАНИЗАТОРИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Янги пахта териш машиналарини яратиш ва синаб кўриш соҳасида кўп йиллар самарали ишлагандиги учун қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш Ўрта Осиё илмий-тадқиқот институти лабораториясининг раҳбари Давид Менделеевич **Шполянскийга** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги механизатори» фахрий унвони берилсин.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. МАТЧОНОВ.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ҳ. ПЎЛАТОВА.

1971 йил, 24 ноябрь.
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

СССР Қуролли Кучлари сафида кўп йиллар бенуқсон хизмат қилганлиги учун ҳамда туғилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми Қизил байроқли Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондонининг граждан мудофаси бўйича ўринбосари генерал-майор Файзулла Хўжаевич **Норхўжаевни** Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотледи.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 — МОСКВА. 13.05 — Янгиликлар. 13.15 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 13.45 — **Муқаддима** (бадиий фильм). 15.15 — Архитектура соҳасида 1971 йилги СССР Давлат мукофоти лауреатлари. 15.45 — Янгиликлар. 17.55 — ТОШКЕНТ. 18.00 — Ахборот. 18.15 — Спорт эшиттириши. 18.45 — Қурувчилар маслаҳатлашади. 19.15 — Ёш ижрочилар **А. Эминов** ва **Э. Давлатов** концерти. 19.55 — Миллионлар ленинча университети. **Узбек тилида:** 20.25 — «Шарқ юлдузи» журнали саҳифаларида. 21.35 — Ахборот. 22.00 — МОСКВА.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 25/XI да **Флория Тоска.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 25/XI да **Имон.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 25/XI да **Жон қизлар.**

8 декабрь кундуз соат 2 да Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти илмий Совети кенгаши (Гоголь кўчаси, 70 уйда филология фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун.

М. Маҳмудов: «Иҳодий ниятнинг туғилиши ва шаклланиши (тема, жанр, сюжет)» деган темада;

У. Санақулов: «Алишер Навоийнинг «Муҳокамат-ул-луғатайн» асарининг тили (фонетика, морфология)» деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЕҚЛАИДИЛАР

Диссертациялар билан академия кутубхонаси (А. Тўқаев кўчаси, 1-уй)да танишиш мумкин.

Ўзбекистон ССР Министрлар совети ҳузуридаги чет эл туризми бошқармаси коллективи коллегия аъзоси Д. М. Мирфайзова опаси

Муқаддас Миржалиловна МУҲАМЕДОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ДЎСТЛИК ВА ТИНЧЛИК МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

Пойтахтдаги «Художественний» киностудия 23 ноябрь куни «Франция билан самимий учрашув» деган тўла метражли рангли ҳужжатли фильм биринчи марта кўрсатилди. Ҳужжатли фильмлар марказий студиясининг бу янги картинаси КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси ўртоқ Л. И. Брежневнинг Францияга қилган визитига бағишланган.

Картина тарихий визитнинг нуқта катта аҳамияти тўғрисида ҳикоя қилади. Совет—Франция Декларациясида кейинчалик таъкидлаб ўтилганидек, Л. И. Брежневнинг визити иккала мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик тўхтовсиз кенгайиб ва чуқурлашиб бораётганлигини, СССР билан Франция халқлари ўртасидаги мавжуд дўстлик ва ўзаро ҳурмат муносабатларининг алоҳида характерини таъкидлаш имконини берди.

Визитнинг ҳамма кунларида бўлиб ўтган нуқта кўп амалий учрашувлар СССР билан Франция ўртасидаги дўстлик, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлашга ёрдам берди. Томошабинлар Л. И. Брежневнинг Ж. Помпиду билан ўтказган суҳбатларида, расмий музокараларда ва қабул маросимларида ҳозир бўлгандек ҳис қиладилар.

Мари-Роз кўчасидаги 4- уйда— В. И. Ленининг музей-квартирасида олинган кадрлар айниқса мароқли. Бу ерда ўртоқ Л. И. Брежневнинг Франция Коммунистик партиясининг раҳбарлари билан ва бутун квартал кўчаларига тўпланган минглаб парижликлар билан ҳаяжонли учрашуви бўлди.

«Франция билан самимий учрашув» фильмини режиссёр Е. Вермишева, операторлар А. Истомин, И. Филатов, И. Галин яратишган.

(ТАСС).

БАХТИЁР ЗИЁРАТЧИ

Куни-кеча Тошкентдаги Владимир Ильич Ленин музейи миллионинчи томошабинни кутиб олди. У Ўрта Чирчиқ районидаги Валентина Николаева-Терешкова номли колхоз правленисининг раиси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Умрихон Ҳасанова бўлиб чиқди. Колхоз раиси бир группа пахтакорлар билан экскурсияга келган эди.

Музей коллективи бу воқеани нишонлашга алоҳида тайёргарлик кўрди. Миллионинчи томошабин биллур ваза ва В. И. Ленин, партия, Ватан ҳақидаги ашулалар пластинкасидан иборат альбом билан тақдирланди. Мукофотни музей директори ўртоқ Х. Мусахонова топширди. Шу воқеага бағишланиб ташкил қилинган митингда Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари Р. Шонеъматов, доҳийни кўрган ветераллар М. Бақоев, Ф. Комаров ўртоқлар сўзладилар.

Музей ўтган бир ярим йил ичида Совет Шарқида марксчаленинча таълимотни тарғиб қилувчи чинакам дорилфунунга айланди. Шу йилнинг ўзида 600 минг кишидан ортиқ экскурсант музейга келди. 150 минг киши доҳийнинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисидаги лекцияларни тингланди. 350 минг киши Ленин ҳақидаги ҳужжатли кинофильмларни томоша қилди.

Тошкентдаги Ленин музейини жаҳоннинг ҳамма қитъаларидан, барча социалистик мамлакатлардан вакиллар келиб кўришди. Жами 61 мамлакат кишилари бу муқаддас даргоҳга қадам қўйдилар. Экскурсантлар оқими кун сайин ортиб бормоқда. Баъзи кунлар уларнинг сони 10 минг кишигача етмоқда.

А—1875. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС — 64697. Р—01901.